ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР, ЧИГИТНИ ЯХШИ ИШЛАНГАН ЕРЛАРГА ЭКИНГ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 82 (12.435)

Шанба, 6 апрель 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Киров номли колхоз пахтакорлари Москва районида биринчи бўлиб чигит экишга киришдилар. СУРАТДА: колхоз раиси Мадамин ТОШХЎЖАЕВ сеялкачи Мамади ҚЎЗИЕВ билан уруғни текшириб кўрмоқдалар.

С. Безносов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИГА СЕЗГИРЛИК БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини қараб чиқиш, республика ташкилотлари ва муассасаларида меҳнаткашларни қабул қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Кейинги пайтларда кўпгина партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг хатлари, шикоят ва аризаларини қараб чиқишга эътиборни кучайтирдилар, жойлардан берилган сигналларни анча сезгирлик билан қарай бошладилар, меҳнаткашларнинг таклифларини амалга ошириш юзасидан, социалистик мулкни талон-торож қилиш, давлатни алдаш, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш фактларини тугатиш юзасидан зарур тадбирлар кўрадиган бўлиб қолдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми ҳисоблайдики, республика партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг айрим раҳбарлари меҳнаткашларнинг хатларига, шикоят ва аризаларига ҳамон етарли аҳамият бермаётирлар, меҳнаткашларни қабул қилишни ёмон ташкил этганлар ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил 2 августдаги «Меҳнаткашларнинг хатлари, шикоят ва аризаларини қараб чиқишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида» қабул қилган қарорини ва шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорини қониқарсиз бажармоқдалар. Кўпгина ташкилотларда фуқароларнинг шикоят ва аризаларини қараб чиқишда сусткашлик, формализм ва сансалорликка йўл қўйилади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети томонидан ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигида, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ, Сурхондарё область ижроия комитетларида, Юқори Чирчиқ район ижроия комитети ва бошқа бир қатор ташкилотларда бундай фактлар айниқса кўп содир бўлаётир.

Айрим министрлик, идора, ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг раҳбарлари меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларига муносабатни яхшилаш соҳасида аппаратда ҳам, уларга бўйсунувчи ташкилотларда ҳам қатъий чора кўрмаётирлар. Тошкент область ижроия комитети кейинги икки йил мобайнида район ижроия комитетларида меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини қараб чиқишнинг аҳволини текшириб кўрмади.

Айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги орқасида аризаларни ножўя хатти-ҳаракатидан шикоятчилар арз қилган мансабдор кишиларнинг ўзларига юборган фактларига йўл қўйилди.

Айрим раҳбарларнинг матбуот сигналларига ҳам расмиятчилик билан қараш ҳоллари оз эмас.

Бир қатор ташкилотларда, жумладан Госпланда, Соғлиқни сақлаш министрлигида, Олий судда, «Ўзбекбирлашув» правлениесида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатларининг хат ва талаблари узоқ вақт кўрилмасдан ётган, бу министрлик ва идораларнинг раҳбарлари эса уларни ўз вақтида ҳал этиш устидан назорат қилиб турмаганлар.

Кўпгина ташкилотларда фуқароларни қабул қилишнинг аниқ тартиби белгиланмаган, бир қатор ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ўзлари тасдиқлаган қабул графигига амал қилмайдилар, ишдан ташқари вақтларда меҳнаткашларни қабул қилишни уюштирмайдилар. Раҳбарларнинг қуйи ташкилотларга бориб меҳнаткашларни қабул қилиш ишлари амалда қўлланилмайди, ижроия текшириш қониқарсиз йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми ҳисоблайдики, тушаётган шикоятлар доимий равишда анализ қилиниб, умумлаштириб борилмаётгани, материалларни текшириш, уннинг ёзилиш сабабларини ўрганиш ҳамда бу камчиликларни тугатиш юзасидан амалий тадбирлар кўрилмаётгани меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашдаги жиддий камчиликлардир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат мулкини талон-торож қилиш, кўзбўямачилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш фактларини фош қилди. Бу нарса республика партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг айрим раҳбарлари меҳнаткашларнинг сигнал ва аризаларини ўз вақтида қараб чиқишга масъулиятсизларча муносабатда бўлганлигидан, очиб ташланган камчилик ва хатоларни тугатиш юзасидан қатъий чоралар кўрмаганликларидан далолат беради.

Министрликлар, идора, ташкилот, корхона, колхоз ва совхозлардаги кўпгина бошланғич партия ташкилотлари хат ва шикоятларни қараб чиқишни яхшилаш масалаларига доимий эътиборни қаратмайдилар, шикоят ва аризаларни ўз вақтида ва эътибор билан қараб чиқишда коммунистларга талабчанлик кўрсатмайдилар, бу масалани партия йиғилишлари муҳокамасига қўймайдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми партия комитетлари, секретарларидан, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари раисларидан, министрлик ва идоралар, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларидан меҳнаткашлар н и н г хат, шикоят ва аризаларини қараб чиқиш, меҳнаткашларни қабул қилиш ишига ўз муносабатларини тубдан ўзгартиришни, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу масала юзасидан қабул қилган қарорларининг бажарилишини таъминлашни талаб қилди.

Бу ташкилотларнинг раҳбарларига меҳнаткашлардан тушаётган шикоят ва аризаларни ҳисобга олиш ҳамда бу ариза ва шикоятлар ҳаракатини кузатишда қаттиқ тартиб ўрнатиш, бу ишни олиб боришни қобилиятли, яхши тайёргарлиги бўлган ходимларга топшириш таклиф қилинди; шунингдек тушган хатларни шахсан қараб чиқиш ва текшириш зарур бўлган пайтда муддат ва тегишли ижрочилар белгилаш; меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини текшириш учун партия комитетларининг, партия-давлат контролига кўмаклашиш группаларини, советларнинг депутатларини ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми меҳнаткашларни қабул қилишни жиддий суратда яхшилаш зарурлигини кўрсатди. Шу мақсадда ҳар бир ташкилот ва муассасада раҳбарларнинг фуқароларни қабул қилиши графигини белгилашни таклиф қилди, бунда қабул қилинадиган жой ва унинг вақти кўрсатилиб, бу графикка қатъий амал қилиниши таъминлансин.

Партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарларига фуқароларни вақт-вақти билан бевосита уларнинг иш жойларида ўз корхоналарда, ташкилотларда, колхоз-совхоз ва қишлоқ Советларида қабул қилишни уюштиришни тавсия этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми тушган хатларни қараб чиқиш, меҳнаткашларни қабул қилиш юзасидан назорат қилишни шахсан партия комитетларининг секретарларига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, министрлик, идора, ташкилот, муассаса, ишлаб чиқариш бошқармалари, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига юклади, улардан сансалорлик ва бюрократизм фактларини тугатиш юзасидан қатъий чоралар кўришни, шикоятларни қараб чиқишга масъулиятсизларча қаралган ҳар бир ҳодисани муҳокама қилиш ва айбдорларни қаттиқ жазолашни талаб этди. Партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, министрлик ва идоралар, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари зиммасига меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини қараб чиқишнинг аҳволини вақт-вақти билан текшириб туриш, меҳнаткашларни аппаратда, шунингдек, унга бўйсунувчи ташкилотларда қабул қилишни кузатиш, тушаётган шикоят ва аризаларнинг характерини доимий суратда анализ қилиб бориш ҳамда бу шикоятларни келтириб чиқараётган сабабларни тугатиш юзасидан чоралар кўриш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети барча область, шаҳар, район партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармаларига партия комитетларига, республика министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармаларига, касаба союзларнинг республика ва область Советлари ҳамда комитетларига ушбу қарорни муҳокама қилишни ва меҳнаткашларнинг хат ва аризаларини қараб чиқишда, меҳнаткашларни қабул қилишда йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўришни таклиф этди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИ СИСТЕМАСИДАГИ ХОДИМЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АГРОНОМ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллар ишлагани ва республика пилла тайёрлашни ривожлантиришда актив қатнашгани учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берилсин:

1. **Аҳмедов** Сулаймон — Сурхондарё область Шаҳрисабз пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг старший агрономи.

2. **Бабаев** Сурен Артемович — Сирдарё область, Жиззах пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг старший агрономи.

3. **Болтабоев** Даминжон — Андижон область пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

4. **Бережнова** Мария Александровна — Тошкент область Калинин пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг участка агрономи.

5. **Бигашев** Мутик Фахруллаевич — Сурхондарё область пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

6. **Главюк** Нина Григорьевна — Фарғона пилла қурти заводининг бош инженери.

7. **Руломов** Ашрафий — Бухоро область пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

8. **Комилов** Восиғ — Тошкент область пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

9. **Коваленко** Кирилл Федорович — министрликнинг пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг старший агрономи.

10. **Қўчқоров** Дадахон — Андижон область Учқўрғон пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

11. **Манько** Евдокея Иванова — Фарғона наслли пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

12. **Пишинская** Наталья Степановна — Самарқанд область Пахтакор пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг старший агрономи.

13. **Просвиркин** Владимир Федорович — Фарғона область Қува пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг старший агрономи.

14. **Спиранская** Мария Петровна — министрликнинг пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармаси бўлимининг старший агрономи.

15. **Ситдинов** Умар — Андижон область пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг бош агрономи.

16. **Худойберганов** Собир — Хоразм область Хева пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг участка агрономи.

17. **Юсупов** Ражаб — Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг участка агрономи.

18. **Едгоров** Қаҳҳор — Бухоро область Ғиждувон пилла тайёрлаш ишлаб чиқариш бошқармасининг участка агрономи.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1963 йил 29 март.
Тошкент шаҳри.

200 ТОННА ПАХТА ТЕРАМАН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида» тарихий қарори колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада оширишга қаратилган муҳим тадбирлардан биридир.

Колхозимиз кейинги йилларда пахтадан мўл ҳосил етиштириб, катта даромад олмоқда. Колхозчиларнинг бойлиги ҳам йил сайин ортяпти. Бултур колхозимизда 887 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта териб олинди. Бу йил пахтакорларимиз ҳосилдорликни ошириб, гектаридан 40 центнердан пахта териб олиш учун ҳозирдан астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Мен ун йилдан буён механик-ҳайдовчи бўлиб ишлайман. Ўтган йили «ХВС-1,2» машинасида 143 тонна пахта тердим. Колхозимизда энг ғермеҳнат ишларни машиналаштиришга жуда катта аҳамият берилянти. Бу йил колхозда етиштириладиган ҳосилнинг камида 80 проценти машинада терилади. Мен агрегатим билан кузда камида 200 тонна пахта териб бераман.

Партия ва ҳукуматимизнинг отаёларча ғамхўрлигидан ҳаммамиз хурсандмиз. Бу янги тарихий қарор туфайли колхозимизнинг экономикаси янада мустаҳкамланади. Колхозимиз аъзоларининг ҳар бири бу йил бултургига нисбатан 30-40 процент кўп даромад олади.

Ҳалима ҲОШИМОВА.
Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммуна» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

162 МИНГ СЎМ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

ЖИЗЗАХ, («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш, пахтакор хўжаликларга ғалла сотиш тўғрисидаги қароридан пахтакорлар беҳад мамнун бўлмоқдалар.

— Давлатимиз пахтакор хўжаликларга жуда катта моддий техника ёрдами кўрсатаётир, — деди Навоий номли колхоз раиси К. Азимов,— пахта харид нархининг оширилиши, ғалла сотишнинг ташкил қилиниши колхозлар экономикасини мустаҳкамлайди, колхозчилар янада бадавлат бўлади.

Биз бу йил давлатга 4060 тонна пахта сотишимиз керак. Колхозимиз уруғчилик хўжалигидир. Янги қарорга мувофиқ кўп, юқори сорт ва арзон пахта етиштириш ҳисобига 162 минг сўм қўшимча даромад оламиз. Б. Сиддиқов, Қ. Умаров, Қ. Раҳмонқулов бошлиқ бригадалар гектаридан 35-40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Бу партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигига пахтакорларимизнинг амалий жавобидир.

АҲДИМИЗ 45 ЦЕНТНЕР

Партия ва ҳукуматимиз биз, пахтакорларнинг қийин ва шарафли ишимизга жуда катта баҳо бериб, етиштираётган пахтамизнинг нархини ўртача 20 процент оширди. Топширган ҳар бир тонна пахтамиз учун 300 килограммдан ғалла берилиши пахтакорларга янада зўр ғамхўрликдир.

Бригадамиз аъзолари ўтган йили 93 гектар экин майдонимиздан гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» кўтарган бўлсалар, бу йил гектаридан 45 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдилар. Бу шарафли аҳдимизни бажариш учун куришиб, ҳар гектар майдонга 12 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Бегларимиз кузда ҳайдалган эди. Унга запас суви бериб, текислаб, бороналаб чигит экишга тахт қилиб қўйдик. Айрим бўз-тошлоқ участкаларга чигит эка бошладик. Бу йил чигит экишни 6 иш кунида тамомлаймиз.

Т. РАФИҚАЛИЕВ,
Поп ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Жданов номли колхознинг бригада бошлиғи.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШИРИЛАДИ

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз пахтакорлари ўтган хўжалик йилида ҳар гектар ердан 30,7 центнердан ҳосил кўтарган эдилар. Улар бу йил ҳосилдорликни янада ошириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. 940 гектар пахта майдони агротехника қоидалари асосида шудгор қилинди. Арик-зовурлар тозаланди, ҳамма майдонларга яхоб берилди.

Колхозда маҳаллий ўғит тўплашга катта эътибор берилаётир. Давлат томонидан берилган 450 тонна минерал ўғит ҳам ташиб олиниб, усти ёпиқ биноларда сақланмоқда. Ҳозиргача жамғарилган ўғит гектар бошига 10-12 тоннадан тўғри келади.

Колхознинг Ойхўжа Раҳмедов бошлиқ бригадаси аъзолари экишга тайёргарлик кўришда бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар. Ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган бу пешқадам бригадада дала ишлари кун сайин қизитилмоқда. Колхознинг Х. Азаматов, Т. Исроилов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам ерларни экишга тахт қилиб қўйдилар.

Трактор паркида ҳам иш қизғин. Шу кунга қадар 7 та ҳайдов трактори, 14 та «универсал», 16 та сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ремонтдан чиқарилди. Чигит экишда қатнашадиган экипаж аъзолари махсус курсларда ўқитилди.

К. ШОДИҚУЛОВ.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МЎЛ-КЎЛЛИГИ УЧУН

БУХОРО. («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирларидан телефон орқали). Бу ерда қишлоқ хўжалик ходимларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Унда партия, совет, комсомол ташкилотларининг вакиллари, қишлоқ хўжалик мутахассислари қатнашдилар. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг олтинчи Пленуми якунлари ҳамда область колхоз ва совхозларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш чоралари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Матчонов доклад қилди.

Область меҳнаткашлари КПСС XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг март ҳамда ноябрь Пленумларининг қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида» қарорини қизғин ёқлаб, область партия комитетининг пленумида сўзга чиққан Ғиждувон бошқармасидаги «Гулистон» колхозининг илғор бригада бошлиғи, Турсунай издоши Обида Ҳамроева, Вобкент бошқармасидаги Куйбишев номли колхоз механик-ҳайдовчиси Тамара Муҳаммадиева, шу бошқармадаги Охунбобоев номли колхоз маккажўхоригорлик бригадасининг бошлиғи Очил Мўминов, Ромитан ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ўзбекистон» жолхозининг бригада бошлиғи Н. Пўлатов, шунингдек шу бошқармадаги Ленин номли колхозининг миришкор пилласчиси, давлат мукофотининг лауреати Ҳурматой Тешаева ва бошқалар область қишлоқ хўжалиги механизаторлари олдида турган катта вазифалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпайтиришнинг конкрет тадбирлари тўғрисида гапирдилар.

Область меҳнаткашлари мўл ҳосил олиш учун Самарқанд ва Сурхондарё области пахтакорлари билан мусобақалашишга қарор қилдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Область қишлоқ хўжалиги ходимлари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Ўзбек пахтакорларининг қадрдони Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевга мактуб қабул қилдилар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда бу йил ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарамиз, деб партия ва ҳукуматга сўз бердилар.

Кенгаш кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

С. КАРОМАТОВ,
А. РАҲМАТИЛЛАЕВ.

СССР БИЛАН ВЕНГРИЯ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНА БЕРСИН

Венгриянинг миллий байрами — озод қилинган кунининг 18 йиллиги муносабати билан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Янош Кадар ва Венгрия Халқ Республикаси президиумининг раиси Иштван Доби КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев номига телеграмма юбордилар. Телеграммада Венгрия Халқ Республикасининг раҳбарлари коммунизм қурашётган совет халқини табриклайдилар. Совет халқининг фарзандлари гитлерчи фашизм устидан тарихий ғалаба қозониб, Венгриянинг эркин ва мустақил миллий ривожланиши учун йўл очиб бердилар. (ТАСС).

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХЕЛЬСИНКИГА КЕЛДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 4 апрель. (ТАСС). Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет—Финляндия шартномасининг 15 йиллик байрамида қатнашиш этиш учун Совет ҳукумат делегацияси бугун Хельсинкига келди.

Вокзалда Совет ҳукумат делегациясини Финляндия бош министри А. Карьялайнен, министрлар ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

А. Карьялайнен ва А. Н. Косигин табрик нутқлари сўзладилар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ СУТ

Тошкент областидаги колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари сут сотиш квартал планини муваффақиятли бажардилар. Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда», «Политотдел», Свердлов номли, «Ўзбекистон» колхозлари ва бошқа хўжаликларнинг меҳнаткашлари айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Улар пландан ташқари 223 тонна сут сотдилар.

Оққўрғон, Калинин ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаларидаги чорвадорлар ҳам сут заводларига пландан ташқари сут етказиб бермоқдалар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

1962 йилда пилладан юқори ҳосил олганлиги ва пилла етиштиришни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари учун республиканинг 176 илғор пиллачиси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

«ЛУНА-4» СТАНЦИЯСИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

ТАСС АХБОРОТИ

«Луна-4» автоматик станцияси ўзининг учишини давом эттириб, Ойга яқинлашмоқда ва Ой юзасининг яқинидан ўтади. Ойни ўзлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган программага биноан, бундан буёнги учишларни амалга оширмоқ учун зарур бўлган экспериментлар ва кузатишлар «Луна-4» станциясида ўтказилмоқда.

3 апрелда олинган телеўлчов маълумотларига қараганда, «Луна-4» станциясининг иш режими белгиланган нормада бормоқда. Станция билан радио орқали яхши алоқа қилинмоқда.

4 апрелда Москва вақти билан соат 20 да «Луна-4» автоматик станцияси Ердан 314 минг километр нарида Ер юзасидан қуйидаги координатларга эга бўлган нуқтаси тепасида учиб борди: шарқий узунликнинг 75 градус 54 минути ва шимолий кенгликнинг 13 градус 12 минути.

«Луна-4» станциясининг учиб бораётганлиги тўғрисидаги эндиги хабарлар 5 апрелда эълон қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

«Партия — коммунистик жамият қурилишини авж олдиришнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси (1959—1961 йиллар)» — сиёсий адабиёт нашриёти чиқарган тўплам шундай деб аталади.

Китоб КПСС XXI ва XXII съездлари ўртасидаги даврда (1959 йил январь — 1961 йил октябрь) партиянинг фаолиятига бағишланган. Тўпламга В. И. Ленининг социализмдан коммунизмга ўтишнинг асосий қонуниятларини характерлайдиган асарлари, XXI съезд ҳужжатлари ва материаллари, партия ва ҳукуматнинг етти йиллик планни амалга ошириш учун қураши акс эттирилган қарорлар, партиянинг омма ўртасидаги идеология ва ташкилотчилик ишини кўрсатувчи ҳужжатлар киритилган.

Тўпламда СССРнинг ташқи сиёсати, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинчлик, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун қураши масалалари юзасидан энг муҳим ҳужжатлар, шунингдек коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йил ноябрда бўлиб ўтган кенгаши материаллари эълон қилинган.

Тўпламда партия ва жамоат ташкилотларининг материаллари, ишлаб чиқариш новаторларининг нутқлари ва мактублари катта ўрин эгаллайди.



1 МАЙГА МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

СЎЗ БЕРДИКМИ, БАЖАРАМИЗ

Раиса Бадалова Улуғ Ватан уруши йиллари фабрикага оддий ишчи бўлиб келган эди. Илгари мураккаб дастгоҳлар ва технология процесслари нима эканлигини билмайдиган бу оддий ўзбек аёли шу йиллар ичида бир эмас, олти-етти касбни пухта ўзлаштириб олди. Дастлабки вақтларда қолипловчи, кейинчалик жилвирчи, фрезерчи машинист бўлиб ишлади. Ҳозир эса конвейерлар бетиним ҳаракат қилиб турадиган бутун бир участканинг мастери.

Раиса Бадалова раҳбарлик қилаётган участка коллективи ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб ойлик топшириқларни доимо ортиғи билан бажаришга муваффақ бўляпти. У, гоҳ у ишчи, гоҳ бу ишчи ёнида ҳозир бўлиб, қийин операцияларни бажаришда ҳамиша ҳамкор. Ишчиларга конкрет топшириқлар бериб, унинг ижросини мунтазам кузатиб боради. Натижада участкадаги ҳар бир ишчи нормасини орттириб бажаришга муваффақ бўлаётир.

Аҳолига кўплаб хилма-хил сифатли пойафзаллар етказиб бериш учун курашаётган фабрика коллективида ишлаб чиқариш илғорлари сафи кун сайин кенгайиб боряпти. Машҳура Насриддинова, Ўлмас Ҳакимова, Сайёра Иноятова каби етти йиллик машғаллари ши вақтидан самарали фойдаланиб, илғор тажриба ва прогрессив технологияга амал қилиб, ҳар сменада планга қўшимча кўплаб маҳсулот ишлаб чиқараётирлар.

Жилғалар қўшилиб дарё ҳосил қилганидек, корхона цехларидаги илғорларнинг баракали меҳнат натижалари пландан ташқари қанчадан-қанча маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаяпти. Пойафзалчилар биринчи квартал планини 104,7 процент бажариб, белгиланганидан 13 минг жуфт ортиқ турли хил оёқ кийимлари тайёрлаган эдилар. Шу кеча-кундузда корхонанинг каттадан-кичиги эришилган ана шу зафарларни мустаҳкамлаш учун янги резервларни қидириб топмоқдалар, уларни моҳирлик билан ишга солиб, маҳсулот тайёрлашни муттасил кўпайтириш мусобақасини авж олдираётирлар.

Бу ой планини 27 апрелгача адо этамиз! Ана шундай шиор остида ишлаётган пойафзалчилар баҳор байрами — 1 Май шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрламоқдалар. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари байрам шарафига оширилган мажбуриятлар олдилар. Меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан 1 Майгача пландан ташқари 5 минг жуфт пойафзал тайёрлашга қарор қилинди. «Сўз бердикми, бажарамиз» — дея бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ меҳнат қилаётган пойафзалчилар байрам олди мусобақасида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Мухтор Азизов, Тамара Мирзажонова, Зунна Расулова сингари кўплаб ишчилар олган мажбуриятларини шараф билан адо этаётирлар. Улар ҳар сменада планнинг 30-40 процентини миқдорида қўшимча маҳсулот тайёрламоқдалар. Х. Тўлаганов, А. Абдуллаев, Т. Холмуҳамедов, О. Муслимов сингари ўртоқлар ишлаб чиқараётган пойафзалларнинг 90 проценти нуқул биринчи сортга қабул қилинаяпти.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг азамат коллективи аҳолига янги, хушбичим оёқ кийимлар етказиб бериш учун курашаётир. Эркаклар сандалети, хотин-қизларнинг ўрта каблукли туфлилари ва бошқа янги хил маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг аъзоси.
Н. ОМОНОВА.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН — БАЙРАМГАЧА

УРГАНЧ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Хоразм области пахта тайёрлаш трести корхоналарининг коллективлари Май олди мусобақасига қўшилиб, I квартал планини 107 процент бажардилар. Пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Гурлан пахта тозалаш заводи коллективи мусобақада олдинда боряпти. Корхона квартал давомида планга қўшимча 322 тонна толокно, 6 тонна момиқ тайёрлаб, мамлакатимизнинг марказий саноат корхоналарига жўнатди.

— Пахта тозаловчилар,— дейди завод директори Ўрток Ражабов,— ишлаб чиқаришга техникани кенг жорий қилиб, меҳнат унумдорлигини ошириб, 1 Май байрамини ярим йиллик планни бажариш билан кутиб олишга бел боғладилар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Чирчиқдаги электрохимия комбинати аммиак ишлаб чиқариш цехи коллективи биринчи кварталда юқори меҳнат кўрсаткичларига эришди. Пландагидан 1000 тонна ортиқ суюқ минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Анчагина электроэнергия, буғ ва технологик газ тежаб қолишга муваффақ бўлинди.

Бундай ғалабани қўлга киритишда Ж. Микиртагаев бошлиқ смена коллективи авангардлик кўрсатди. Ҳозир цех коллективи кўплаб минерал ўғит тайёрлаб, деҳқонларимизга жўнатиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Г. ЯСТРЕБОВ.

ИШЧИЛАР ҲИССАСИ

Яқинда Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз вагон ремонт заводи сув насосларига 350 дона муҳим запас қисмлар тайёрлаб бериш юзасидан буюртма олди. Чўян қуйиш цехида бу деталларни тайёрлашга киришилди. Қолипчи А. Маматқулов ва обрубчи С. Сохин ўртоқлар ўз вазифаларини сидқидиллик билан бажармоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ.

80 МИНГ СЎМЛИК

Бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ меҳнат қилиш учун курашаётган Тошкент сут комбинати коллективи биринчи квартал планини муддатидан илгари бажарди. Корхона ишчи-хизматчилари планга қўшимча 80 минг сўмлик сут ва сут маҳсулотлари тайёрлаб бердилар.

ҚОЛОҚ БРИГАДАГА ЎТИБ...

— Ҳамма бригада илғор бўлиши керак, — дейди Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик фабрикасининг илғор бригадири Анна Сиденко. — шундагина корхонанинг қудрати яна ҳам ошади.

Анна Сиденко бундан етти ой муқаддам фабриканинг қолоқ бригадасига ўтган эди. У коллективнинг ҳар бир аъзосига конкрет топшириқлар бериб, унинг бажарилишини узлуксиз кузатиб борди. Камчиликларни аниқлаб, имкониятларни ишга солди. Натижа ёмон бўлмади. Кунлик ва ойлик топшириқ 110-115 процентдан бажарила бошлади. Бригаданинг Р. Ҳайдарова, К. Эмирсуикова, К. Морозова каби аъзолари топшириқларни 140 процентдан адо этмоқдалар.

О. КАРИМОВ.

НОЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

С. РАСУЛОВ,
Фарғона саноат область партия комитетининг секретари.

Бутун совет кишилари сингари Фарғона область саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг меҳнаткашлари ҳам партия XXII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, катта натижаларни қўлга киритдилар.

Етти йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида областимиз саноат ишлаб чиқариши 24 миллион сўм ёки 31 процент кўпайди. Химия, нефтни қайта ишлаш ва саноатнинг бошқа тармоқлари тез ривожланмоқда. Шу давр ичида йирик корхоналарда 80 дан ортиқ цех ва участкалар қурилди. 6220 янги ускуна ўрнатилди, ишлаб турган 6 мингдан ортиқ машина модернизация қилинди. Янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш юзасидан 176 тадбир амалга оширилди.

Областимизда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, азот ўғитлари заводи, шунингдек қурилиш материаллари заводи ва бошқа йирик корхоналар ишга туширилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватининг асосий фонди 40 миллион сўм кўпайди.

Янгидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар орасида халқ хўжалиги учун ғоят муҳим бўлган минерал ўғитлар, техника ёғлари, махсус смолалар, битум, бензин, дизель ёнилғиси, йирик панеллар асосий ўринни ташкил этади. Янги техникани жорий этиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш соҳасида ташаббускор рационализатор ва ихтирочиларимиз катта иш қилдилар. Улар етти йилликнинг тўрт йили ичида 11 минг таклиф киритдилар. Шундан 8400 таклифнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши туфайли халқ хўжалигимиз 10 миллион сўмдан кўпроқ фойда олди.

Кейинги вақтда қурилиш ишларида тубдан бурилиш ясалди. Бунда механизациялашган поток усулининг жорий қилиниши муҳим омил бўлди. Агар 1958 йилда 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари учун 148 кубометр йирма темир-бетон ишлатилган бўлса, ўтган йили 207 кубометр йирма темир-бетон ишлатилди.

Қўқон суперфосфат заводида давлат топшириқларининг барча кўрсаткичлар бўйича бажарилишини таъминлаш юзасидан контроль ўрнатилган. Бу ерда социалистик мусобақа ва партия ташкилотининг сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишлари ана шу мақсадга бўйсундирилган. Шунинг учун ҳам завод коллективи 1962 йил планини муддатидан илгари бажариб, бир неча ўн минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди. Янги йилнинг дастлабки икки ойи топшириқлари ҳам муваффақиятли бажарилиб, пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йили маҳсулот таннархини камайтиришдан 233 минг сўм фойда олинди. Эндиликда завод рентабель корхонага айланди. Бир йилнинг ўзида бу ерда 828 минг сўм жамғарма тўпланди. Ҳозир коллектив аъзолари коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашмоқдалар.

Бироқ қилинган ишларга танқидий нуқтаи назардан баҳо берганда ва имкониятларимизни ҳаққоний баҳолаганда қилинмаётган ишлар ҳали кўплиги кўзга ташланади. Баъзи корхона ва қурилиш ташкилотларининг раҳбар р л а р и ҳамда партия ташкилотлари мавжуд резервларни ишга солишга бепарволик билан қараши, меҳнат унумдорлигини кескин оширишга эришмаётгани, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш ҳамда илғор тажрибани кенг ёйишга эътибор қилмаётганликлари натижасида ана шу корхоналарда сифатсиз, брак маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Натижада ўтган йили 26 саноат корхонаси ва 11 қурилиш ташкилоти йиллик топшириқларни бажаролмай, давлатга 5 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни кам берди.

Ўтган йили капитал маблағларни ўзлаштириш ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Бу соҳадаги топшириқ атиги 98,5 процент бажарилди.

Саноат область партия комитети ана шу камчиликларни тугатиш мақсадида ҳар бир корхонанинг ишини чуқур ўрганиб, мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқди.

Ўтган йили кўпчилик корхоналар, шу жумладан Марғилон ипак комбинати, Фарғона азот ўғитлари заводи, 8 ва 9-қурилиш трестлари иши обкомнинг бюро мажлисларида муҳокама қилинди ва уларда ишни яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди. Саноат корхоналари ишини яхшилаш мақсадида шаҳарларда партия активи йиғилишлари, қурувчиларнинг эса область кенгаши ўтказилиб, ўтган йилга якун ясалди ва етти йилликнинг бешинчи йилидаги вазифалар белгилаб олинди.

Шаҳар партия комитетлари ва саноат корхоналари ҳамда қурилишлардаги партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорлари номини олиш учун кураш ҳаракатини кенг авж олдириб юбордилар. Ҳозирги вақтда бу ажойиб ҳаракатда 40 мингга яқин ишчи, инженер-техник ходимлар қатнашмоқда.

Азамат етти йиллигимизнинг бешинчи йилида областимиз саноати олдида катта вазифалар турибди. Илғор тажриба ва прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, материаллардан ва мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан кескин кўпайиши лозим. Бунинг учун 545 та янги ускуна ўрнатиш ва уни ўзлаштириш, ишлаётган 666 ускунани модернизация қилиш. ишлаб чиқаришга камида 2,5 минг рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Бу йил областимизда химия ва нефть саноатлари янада ривож топади. Партия ва ҳукуматимизнинг химия саноатини ривожлантириш халқ хўжалиги тараққиётида муҳим роль ўйнаши ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилган ҳамда луганскликларнинг ташаббусини кўллаб-қувватлаган Фарғона ўғит заводи коллективи бир неча минг тонна азот ўғити. Қўқон суперфосфат заводи пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик, гидролиз заводи эса бир неча юз минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари, «Шимолий Сўх», «Чимён» нефть конлари, «Большевик» тўқимачилик, машинасозлик корхоналари коллективлари ҳам бу ташаббусга қўшилиб, зиммаларига катта мажбуриятлар олганлар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида таъкидланганидек, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири капитал қурилишни яхшилашдир. Қурилиш-монтаж ташкилотлари, қурилиш материаллари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари етти йилликнинг бешинчи йили вазифаларини муддатидан илгари бажариш юзасидан конкрет мажбуриятлар қабул қилдилар. Областимизда қурилиш-монтаж ишларини муддатидан анча илгари бажариш, 74 саноат, ирригация ва қишлоқ қурилиши объектларида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, жумладан, аммиак селитраси, кучсиз азот кислотаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, тўқимачилик комбинатининг йигирув корпуси, Фарғона ёғ-мой комбинатида пальматин ва салат ёғи ишлаб чиқарувчи цехлар, цемент комбинатида оҳак қиздириш цехи, Марғилон ипак комбинатида бўяш цехи фойдаланишга топширилади.

Ҳозирги вақтда барча саноат корхоналари ва қурилишларда етти йиллик бешинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг кизитиб юборилган. Мусобақа корхона ва қурилишларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш, ҳар бир ишчи, бригада, смена ва цехнинг кунлик нормаларини тўла ва ошириб бажаришига қаратилган.

Область саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари 1963 йил планларини муваффақиятли адо этиш учун курашиб, янги-янги ташаббусларни кўтариб чиқмоқдалар. Область партия ташкилоти меҳнаткашларнинг бу ватанпарварлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг куч-ғайратини оқилона мақсадларга йўналтиришга, ишлаб чиқаришни ташкил қилишга қаратилган муҳим тадбирлар белгиланди. Кам фаолиятли 20 станция тугатилди. Темир йўл бошқармаси ҳамда республика автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги бирга-

Ҳар тўғрида БИР ШИНГИЛ

● Наманган ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Ҳ. Ҳ. Нигёзий номли ўн бир йиллик мактаб ўқувчилари ўтган йили 10 гектар ерда пахта етиштириб, гектаридан 40 центнердан ҳосил олишган эди. Бу йил улар 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

У. Матқулов.

● А. Навоий номидаги Ўзбекистон халқ кутубхонасида республика Фанлар академияси Полимерлар химияси институтининг олимлари билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Институт директори М. Асқаров, илмий ходимлардан Ю. Погосов, Б. Ойхўжаев ўртоқлар химия фани эришган ютуқлар ҳақида сўзлаб беришди.

Я. Окунов.

● Амударё районидаги Оржоникидзе номли мактаб ўқувчилари Амударё бўйлаб саёҳатга чиқишиб, кўпгина тарихий жойлар билан танишдилар.

А. Аннамуродов.

● «Оққўрғон» пахтачилик совхозидаги (Тошкент области) Улуғбек номли ўрта мактаб ўқувчилари мактаб атрофига 7 минг тупдан орзиқ терак кўчати ва кўплаб мевали дарахт ниҳоли ўтказишди.

М. Хўжаев.

Етти йилликнинг бешинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажарамиз! Ана шундай шиор остида баракали меҳнат қилаётган Шаргун шахтасининг проходчиклари Александр Тогобицкий ва Владимир Васильев ўртоқлар биринчи квартал топшириғини муддатидан илгари ортиғи билан адо этдилар. Апрель ойида ҳам бу илғорлар смена топшириғини 115-120 процент қилиб бажармоқдалар. СУРАТДА: Александр ТОГОБИЦКИЙ (чапда) ва Владимир ВАСИЛЬЕВ ўртоқлар.

А. Ким фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИЛҒОР УСУЛГА — КЕНГ ЙЎЛ

Ҳамкорлик бор жойда ҳар қандай кийинчилик чекинаверади, ишлаб чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришилаверади. Хусусан, темир йўлчилар билан автомобилчиларнинг ўзаро яқин ҳамкорликда ишлаши халқ хўжалиги юкларининг тез ташиб берилишига имкон беради. Кейинги вақтларда юк ташишнинг янги, илғор ва тежамли усуллари кенг қўлланила бошланди. Улардан бири юкларни марказлаштирилган усулда ташишдир. Бу усулга амал қилиш темир йўл станцияларида юк ортиш ва тушириш ишларини анча тезлаштириш билан бирга катта иқтисодий афзалликларга ҳам эга.

Тошкент-товар ва Қизилтўқимачи станцияларида юк ташишнинг марказлаштирилган усули икки йилдан буён қўлланилмоқда. Бу усул жуда яхши натижалар бераётир. Юкларни марказлаштирилган усулда ташишга кўчилгач, бу станцияларда 100 автомашина, 200 экспедитор ва юкчидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлиб қолди.

Ана шу тажриба Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети томонидан маъқулланди. Темир йўл станцияларидан юкларни корхона ва ташкилотларга автотранспорт ёрдамида марказлаштирилган тартибда ташиб кетишни ташкил қилишга қаратилган муҳим тадбирлар белгиланди. Кам фаолиятли 20 станция тугатилди. Темир йўл бошқармаси ҳамда республика автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги биргаликда яқин масофаларга ташиладиган юкларни автотранспорт воситасида марказлаштирилган усулда ташиш тўғрисида ўзаро шартнома тузишди.

Ҳозирги вақтда 8 станцияда вагонда келган юкларни, 14 станцияда контейнерлардаги юкларни ва 10 станцияда майда юкларни марказлаштирилган усулда ташиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Андижон, Термиз, Бухоро ва бошқа станцияларда ҳам юкларни янги усулда ташишга катта аҳамият берилаётир. Марказлаштирилган усулда юк ташиш йил сайин кўпаймоқда. Ўтган йили ана шундай тартибда ташилган юклар 1961 йилдагига нисбатан 90 процент, 1960 йилдагига қараганда 3,7 баравар ортди.

1963 йил 1 июлгача 50-60 километр масофага темир йўл орқали ташилаётган юклар а в т о м о б и л ь транспорти зиммасига юкланиши лозим эди. Шу йил январь ойидан бошлаб макарон, ичимликлар, уруғлик чигит, кенг истеъмол моллари ва бошқа бир қанча хил маҳсулотлар Тошкент области территориясида автомобиль транспорти воситаси билан ташила бошланди.

Қисқа масофаларга ташиладиган юкларни автомобиль ёрдами билан етказиб беришда Тошкент-дағи 1-вино заводи коллективи (директори ўртоқ Н. Собиров) яхши тажриба тўплади. Бу корхона ўтган йил ноябрь ойидан бошлаб Тошкент области территориясига юбориладиган юкларни автотранспорт билан ташишга кўчган эди. Автомашиналардан самарали фойдаланилмоқда. Юк олиб борган машина идиш олиб қайтади. Илгари бу корхонадан станцияга олиб бориладиган юкларни кузатиб бориш учун 6 экспедитор банд бўлса, ҳозир уларга ҳожат қолмади. Автомашина шофери заводнинг ўзида юкни экспедитор сингари қабул қилиб олади ва у ёки бу савдо тармоғига элтиб топшираверади. Шундай тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида кўплаб темир йўл вагонларидан бошқа юкларни ташишда фойдаланиш мумкин бўлмоқда. Корхона шу ҳисобдан йилига 95 минг сўм фойда кўради.

Лекин юк ташишнинг янги усулидан фойдаланиш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқдаки, бу транспортчиларнинг иш кўрсаткичларини оширишга, халқ хўжалиги юкларининг тез ташиб берилишига маълум даражада ёмон таъсир кўрсатмоқда. Ҳали ҳам айрим область автомобиль трестлари, темир йўл бўлинмалари ва станцияларнинг раҳбарлари марказлаштирилган усулда юк ташишнинг қадрига етмаётирлар. Каттақўрғон, Зарафшон, Денов, Тўйтепа станцияларида энг қулай ва тежамли ана шу усулда юк ташишга амал қилинмаяпти. Улуғбек, Наманган, Қарши станцияларида юкларнинг жуда оз қисми марказлаштирилган усулда ташилмоқда. Бекобод ва Урсатьевск станцияларида юкларни контейнерларда ташиш жорий этилмаган.

ТЕМИР ЙЎЛ ВА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

<>

Майда юкларни марказлаштирилган тартибда ташиш ҳам қониқарсиз бажарилмоқда. Бундай юкларни корхоналарга етказиб бериш учун ажратилган машиналарнинг фақат учдан бир қисмигина ишламоқда. Аммо станция бошлиқлари ва автобазаларнинг раҳбарлари ана шу аҳволга ҳамон бепарво қараб келаётирлар. Тошкент-товар станциясидаги 6 та омбор майда юклар билан лиқ тўлиб ётибди. Уларни 20 та автомашина ташиши белгиланган. Бироқ 3-4 машина аранг қимирлаб турибди. Натижада станцияга келган юкларни жойлаштириш учун омборлар етишмаяпти.

Айрим саноат корхоналарининг раҳбарлари юкларни автомобиль транспортида ташишни истамаётирлар. Янгийўл ёғ-мой комбинатининг директори ўртоқ Тошпўлатов корхонада тайёрланган маҳсулотнинг бир қисмини Тошкентга автотранспортда ташишга турли йўллар билан қаршилик кўрсатмоқда. Ахир, Янгийўл ёғ-мой комбинатига ҳар куни ўнлаб автомашиналарда чигит ташиляпти-ку! Бунинг афзаллигини ўртоқ Тошпўлатов кўриб турган бўлса-да, ўзини билмасликка олляпти.

Яқин масофаларга ташиладиган юкларни автотранспортда элтиб бериш иқтисодий афзалликларга ҳам эга эканлигини Фарғона азот ўғитлари заводининг директори ўртоқ Бўрибоев ҳам тушунмаётганга ўхшайди. Темир йўл бошқармаси Охунбобоев станциясидан Марғилон станциясигача бўлган 4 километр, Фарғона — 1 станциясигача бўлган 18 километрли масофада ўғитни темир йўл орқали ташишни пландан чиқариб ташлагандан кейин ҳам ўртоқ Бўрибоев «ўз сўзи» дан қайтмаётир: завод-да тайёрланган минерал ўғитларни автомашиналарда ташишдан бош тортмоқда. Аслида эса заводдан колхозлар ва совхозларга темир йўлга нисбатан автомобиль йўли анча яқин ва қулай.

Бундай аҳвол бошқа корхоналарда ҳам мавжуд. Қисқа масофаларга юк ташишни узул-кесин автомобилчилар зиммасига юклаш вақти келди. Баъзан темир йўл бошқармаси айрим юкларни ташиш иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлганлиги учун бажармайди. Автомобилчилар эса бундай юкларни 500-600 километрга ташиб беришга ҳам рози бўлишади. Фикримизча, автомобиль транспорти биринчи галда қисқа масофага олиб бориладиган юкларни ташиши керак.

Автомобилчиларнинг ўз контейнерлари йўқ. Бу ҳол қисқа масофага юк ташишга катта тўсқинлик қилмоқда. Етти йилликнинг бешинчи йилида автомобилчилар учун 1000 та контейнер тайёрлаб бериши керак эди Аммо бу иш кун сайин кечиктириб юборилмоқда. Биринчи квартал давомида бирор-та ҳам контейнер тайёрланмаганлиги жуда ачинарлидир.

Темир йўлчилар ва автомобилчилар халқ хўжалиги юклари ташишдаги барча камчиликларни тезда бартараф этиб, ҳамма учун манфаатли бўлган илғор иш усулларини кенг қўллашлари лозим. Бу ишда автомобилчилар билан темир йўлчилар давлат манфаатларини кўзлаб бамаслаҳат иш тутишлари зарур. Токи, ҳар икки томоннинг — темир йўлчиларнинг ҳам, автомобилчиларнинг ҳам иши янада серунум бўлсин.

Қ. ХЎЖАЕВ,
Ўрта Осиё темир йўли юк ташиш хизматининг бошлиғи.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ИЗИДАН

НАФС БАНДАСИ

Тожихон Мукаррамова 1961 йил сентябрда Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги 11-саккиз йиллик мактабга директор қилиб тайинлангач, у ҳамён тўлдириш пайига тушди. Ўқувчилардан «Ленин учқуни» газетаси, «Гулхан», «Ғунча» журналларига обуна бўлиш учун тўпланган пулни еб юборди. Фақат ўқитувчиларнинг қаттиқ талаби билан шунда ҳам март ойидан бошлаб обуна қилди. Пахта терими вақтида эса ўқувчи Баҳром Акбаров, Солижон Абдураззоқов, қоравул Раҳмат Ҳамидовларнинг пулини ҳазм қилиб юборди. Мактаб ўқувчилари етиштирган пилла учун берилган 215 сўм пул ва бир кийим ғижим бахмал дом-дараксиз йўқолди.

Редакцияга келган бу хат юзасидан Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети текшириш ўтказди. Партия комитетининг хабар қилишича, хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Ўз вазифасини сунистеъмол қилиб, ўқувчиларнинг ҳақ и г а хиёнат қилган Тожихон Мукаррамова мактаб директорлиги вазифасидан олиб ташланди.

ФУРСАТ КУТИБ ТУРМАЙДИ!

Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Боғизоғон» совхози Зарафшон дарёсининг бош қисмига жойлашган. Унинг деҳқончилик қиладиган барча ерлари Даргам канали орқали сугорилади. Сув сероб, техника, ишчи кучлари ҳам етарли. Бироқ шундай имкониятларга эга бўлган бу йирик хўжаликда пахтадан жуда кам ҳосил олинади, бир неча йиллардан бери план бажарилмай келинади.

Совхозда ўтган хўжалик йили айниқса қониқарсиз якунланди. Пахта тайёрлаш плани фақат 64 процент бажарилиб, ҳар гектаридан 10,9 центнердан ҳосил олинди. Бирор бўлим ва бригада планни тўлдирмади. Кўп меҳнат ва харажат сарфланиб, оз маҳсулот етиштирилгани натижасида совхоз бултурнинг ўзида 600 минг сўмча зарар кўрди.

Бундай қолоқликка ва ҳосилнинг кам олинишига асосий сабаб шуки, совхозда ерни экишга тайёрлаш ва чигит экишни агротехника жиҳатдан қулай муддатларда ўтказишга эътибор берилмайди. Кузги-қишки тадбирлар вақтида ўтказилмайди. Кўпчилик бўлим ва бригадаларда чигитни ердан ундириб олиш ҳаддан ташқари кечиктириб юборилади. Гектарларда ғўза туплари тўла таъминланмайди. 2400 гектар ерга чигит экадиган хўжаликда бу йил ҳам экишга тайёргарлик ишлари ёмон бораётир.

Кузда чигит экишга ажратилган ҳамма ерларга яхоб бериш планлаштирилган эди. Дарёда сув бўлгани ҳолда, ҳозиргача мавжуд ернинг ярмисида ҳам суғориш ўтказилган эмас. «Ленинобод» бўлимида 700 гектардан энди 333 гектари, Охунбобоев номли бўлимда 980 гектар ердан атиги 247 гектари суғорилган.

Кўпчилик бўлим ва бригадаларда суғориш ёмон бораётгани устига етилган карталарни юмшатишборона ва чизеллашга ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Охунбобоев номли бўлимда шудгорланган ернинг учдан бир қисмигина борона қилинди. Бўлимнинг Маҳмуд Йўлдошев, Ўринбой Эргашев, Эгамберди Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида бороналаш ва ерни экишга тайёрлаш янада ёмон. Ўртоқ М. Йўлдошев бошлиқ бригаданинг 150 гектар еридан бор-йўғи 17 гектари борона қилинган. Бригаданинг 30 гектарли картаси тобидан ўтиб кетган.

Бу бўлимда бороналаш ва чизеллашга асосий кучлар сафарбар қилинмаган. Тупроқни юмшатишда 34 ўрнига 13 трактор ишлаяпти. Буларнинг ҳам бекор туриши кўп. Бўлимда кейинги беш кунда 210 гектар ўрнига атиги 79 гектар ер бороналанди. Ўртоқ Э. Эшонқулов бошлиқ бригадада 127 гектар ер сифатсиз ҳайдалган. Карталарнинг четлари, бурчаклари қолиб кетган. Булар бўлим бошлиғи О. Самиев, агрономи Н. Маҳмудов ва бригада механиги Н. Аҳмедов ўртоқларни заррача ташвишлантирмаётир.

Совхоз директори И. Муҳиддинов, бош агрономи Т. Қурбонов ва партия комитетининг секретари Р. Жуманов ўртоқлар ҳосилдорликни оширишда маҳаллий ўғитнинг катта аҳамиятга эга эканлигини айтадилар. Лекин улар гўнг тўплаш, ернинг унумдорлигини ошириш йўлида бирор амалий тадбир кўрмайдилар. Кўпчилик бўлим ва бригадада тайёрланган маҳаллий ўғит рақамларига совхоз раҳбарларининг ўзлари ҳам ишонмайдилар. Чунки, далага чиқарилган гўнг сводкадагидан жуда оз.

Чигит экишни оммавий бошлаб юборишга саноқли кунлар қолишига қарамай, совхоз трактор парки экишга тахтланмаган. 24 та ҳайдов ва чопиқ трактори ремонтдан ҳали чиқарилмаган, 76 та сеялкадан 25 таси ремонтсиз ётибди. Совхоз бўйича ҳамма ерда чигит 60х50 сантиметр схемасида, 400 гектарига уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан чигит экилади. Афсуски, мавжуд сеялкалар шунга қараб мослаштирилган эмас. Экипаж агрегатлари яхши тайёрланмаган. Уруғлик чигит шу кунгача ташиб олинмаган.

Чигит экиш навбат кутадиган кампания эмас. Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари ва партия комитети ҳар йили планни бажармаётган, пахтадан кам ҳосил олиб келаётган «Боғизоғон» совхозидаги жиддий нуқсонларга қатъий чек қўйиш тадбирларини кўришлари, хўжаликка яқиндан туриб раҳбарлик қилишлари керак.

Л. ЭРГАШЕВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

500 МИНГ ТУП КЎЧАТ

ОЛТИАРИҚ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларида дарахт кўчатлари ўтказиш ойлиги муваффақиятли ўтди. Шу кунгача колхоз ва совхозларда 85 минг туп мевали, 429 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Кўчат ўтказиш ҳамма хўжаликларда қизғин давом этмоқда.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Вобкент районидаги Калинин номли колхоз аъзолари чигитни танлаб экишга биринчилар қаторида киришдилар: СУРАТДА: колхоз агрономи Нажим БУРОНОВ ва илғор тракторчи Тоғай НУРОВ ўртоқлар квадратларнинг аниқ чиққанлигини текшириб кўрмоқдалар.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МИРЗАЧЎЛ БОҒЛАРИ

ЯНГИЕР, (**«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири**). Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Ленинград» колхози Мирзачўл ерларида янги боғ-роғлар ташкил қилишда катта тажриба орттирди. Хўжаликда 400 гектар мевазор боғ бор.

Сирдарё областининг меҳнаткашлари «Ленинград» колхози боғбонларининг иш тажрибасидан кенг фойдаланиб, янги мевазор боғлар, токзорлар ташкил қилмоқдалар, манзарали ва иҳота дарахтлари ўтқазмоқдалар. 17-совхозда 60 гектар мевазор боғ ва токзор бунёдга келтирилди. 2-боғдорчилик совхози 150 гектардан кўпроқ майдонга олма, анор, ўрик кўчатлари экди.

ПИЛЛАЧИЛАР ТАРАДДУДИ

Ленин номли колхозда ҳар йили такрор қурт боқиларди-ю, лекин пилла тайёрлаш плани бажарилмай қолаверарди. Бултур бошқача йўл тутилди. Барғдан тежаб-тергаб фойдаланилди. Ипак қуртини кенг сўкчакларда боқишга, қурт энди пилла ўрай деганда яхши даста солишга алоҳида эътибор берилди. Ҳар қути қурт 70 квадрат метр жойда боқилди. Қуртхоналарда ҳарорат ва намликнинг мўътадил бўлишига эришилди. Натижада колхоз Наманган ишлаб чиқариш бошқармасида энг юқори ҳосил етиштирди: ҳар қути қурт уруғидан 58 килограммдан аъло нав пилла олишга муваффақ бўлинди. Шундай қилиб, ўтган йили пилла тайёрлаш плани бажорги қурт боқиш ҳисобигаёқ оширилиб бажарилди.

Шаҳрисабз ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг чақириғи колхознинг илғор пилла-чиларини янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда. Шаҳрисабзликлар мактуби муҳокама қилингандан кейин колхоз аъзолари 200 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан камида 60 килограммдан пилла топширамиз, дейишди.

3 та пиллачилик бригадаси, 180 та звено тузилди, бригада бошлиқларининг қурт уруғини жонлантириладиган хоналарда ишлайдиган кишиларнинг малакаси оширилди. Инкубаториялар яхши жиҳозланди. Қуртхоналар кўнгилдагидек ремонт қилинди. Сўкчакларни яхшилаб ўрнатишда дурадгор Холдорхўжа Улуғов, Мирзаакром Холосов, Эрали Шералиевлар астойдил меҳнат қилишмоқда. Дасталар ҳозиридаёқ гамлаб қўйилди, 190 та печка ўрнатилди.

Колхозда ипак қуртининг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 16 гектар тутзор яхши парвариш қилинмоқда. Тут дарахтларининг атрофи вақтида яхшилаб ҳайдалди ва озиқлантирилди. 11 минг туп баланд танали тут дарахтлари ҳам алоҳида парвариш қилинмоқда. Янгидан 10 минг туп тут кўчати ўтқазилди.

Бу йил пилла қуртининг анчагина қисми катта жамоат биноларида боқилади. Коммунист Омина Пўлатова, Номидулла Ҳамидов, Файзулла Сотибалиев ўртоқлар бошлиқ звеноларда мавсумга айниқса яхши тайёргарлик кўрилмоқда. Колхоз пиллачилари қуртни жадал усулда парвариш қилиб, олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

И. НАРЗУЛЛАЕВ,
Ҳ. НУРИТДИНОВ,
И. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ПОЛИМЕРЛАР ҚЎЛ КЕЛДИ

Буғ қозонлари четига сувда эриган майда заррачалар — тузларнинг йиғилишидан ТЭЦлар катта зарар кўриб келар эди. Бу ерда ҳам полимерлар — ион алмаштирувчи смолалар (ионитлар) ёрдамга келди. Ионитлар ёрдамида буғ қозонларида пайдо бўлувчи қотишма тез йўқотилади.

Ион алмаштирувчи смолалар қимматбаҳо металлар — платина ва олтинни турли аралашма жинслардан ажратиб олишда ҳам муваффақият билан қўлланилмоқда.

НЕФТДАН БЎЁҚЛАР

СССР Қурилиш ва архитектура Академияси қарамоғидаги Бутуниттифоқ янги қурилиш материаллари илмий текшириш институти ходимлари нефтдан турли-туман бўёқлар олиш мумкинлигини аниқладилар. Янги бўёқлар биноларнинг ички ва ташқи деворларини безашда қўлланилади. Улар узоқ йиллар давомида ўз рангини сақлайди. Янги бўёқлар нефть саноати чиқиндиларидан олинади ва жуда арзонга тушади.

Қ. АҲМЕРОВ.

ЖАНГОВАР АТЕИЗМ УЧУН

Атеистик пропаганда коммунистик тарбиянинг ажралмас қисмидир. Республикамизда атеистик пропаганда анча жонланиб, унинг ҳаёт билан алоқаси мустаҳкамланди. Илмий атеизм темасида ўқиладиган лекциялар кўпайди, уларнинг мазмуни, жанговарлиги кучайди. Ўтган йили меҳнаткашлар ўртасида 23 минг лекция ўқилди.

Ҳозир Ўзбекистонда қарийб 800 та радио ва кинолекторий, 900 га яқин «атеистлар бурчаги», 14 та илмий-атеизм университети, 16 та атеистик клуб ва 6 та илмий-атеизм уйи ишлаб турибди.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика жамияти правлениеси илмий-атеистик темаларда брошюра ва кўплаб лекция текстлари, варақа, плакат, бюллетенлар нашр этаётир. Атеист лекторларнинг семинарлари мунтазам ўтказилиб турилибди.

Жамиятнинг область, шаҳар ва район бўлимлари ҳузуридаги илмий-атеистик секциялар кўп иш қилмоқда. Бухоро, Андижон, Самарқанд областларида олиб борилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовордир. Бухоро областида атеистик пропагандани оммабоп, таъсирчан янги форма ва методларидан фойдаланилмоқда. Лекция, доклад ва суҳбатлар билан бир қаторда «Мўъжизасиз-мўъжиза», «Савол-жавоб» кечалари ўтказилмоқда, «Огонек журналлар» уюштирилмоқда. Бу тадбирлар бевосита колхоз, совхоз, корхона ва маҳаллаларда ўтказилмоқда. Бухоро районидаги «Коммунизм» колхозида ва «Когон» совхозининг биринчи бўлимида ўтказилган «Атеистлар куни» жонли ва қизиқарли бўлди.

Атеист лекторларнинг динга ишонувчи айрим кишилар билан якка-якка тушунтириш олиб боришга-ётганликлари яхши самаралар беряпти. Масалан, Андижон область, Наманган районидаги «Ўзбекистон» колхозида яшовчи Э. Мирзаахмедов диний уйдирмаларга ишониб, турли урф-одатларга берилиб кетган эди. Атеистлар ёрдамида у умр эгови бўлган диндан воз кечди, қайноқ меҳнат қучоғига қайтди, бригада бошлиғи даражасига кўтарилди. Ў бошчилик қилган бригада ўтган йили 117 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан, пахта ҳосили олиб, планни ортиғи билан бажарди. Пропаганда иштимоий ҳаёт билан узвий боғлаб олиб борилаётган, лекциялар жанговар руҳда ўтказилаётган жойларда ана шундай самараларга эришилмоқда.

Афсуски, республикамизнинг ҳамма ерида ҳам илмий-атеистик пропаганда давр талаби даражасида олиб борилятмаб, деб бўлмайди. Айрим жойларда пропаганда ҳаётдан ажралиб қолмоқда. Тошкент, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм областларининг кўпгина колхоз, совхоз ҳамда муассасаларида бир неча ойлар давомида атеистик темаларда лекциялар ўқилмайди. Хоразм область сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятининг баъзи район бўлимлари омма бўтасида атеистик пропагандани кун сайин кучайтириш зарурлигига етарли эътибор бермаётир. Масалан, Шовот районида ўтказилаётган лекцияларнинг тематик доираси тор ва савияси паст. Секция ишида маълум система йўқ. Ахир райондаги «Ленинград», Охунбобоев, Ленин номли колхозларда 8-9 ой давомида 10-15 та лекция ўқилган бўлса, шу вақт ичида «Правда», «Коммунизм», «Москва» ва Чкалов номли колхозларда бирорта ҳам лекция ўтказилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Фарғона областининг Қўқон ва Марғилон шаҳарларида, Поп, Қува ва Олтиариқ районларида кейинги пайтларда илмий-атеистик пропаганда сусайиб кетди. Айрим хурофотчилар баъзи қолоқ кишиларни ўз домларига илинтириш учун уринмоқдалар. Абдулла Мусулмонқуловга ўхшаш шахслар ҳеч қаерда ишламай, дайдиб юриб, юлғичлик, текинхўрлик билан ҳаёт кечиряпти.

Лекцияларни мазмундор ва жанговар руҳда ўқилиши аввало лекторларнинг маданияти, савияси ва маҳоратига боғлиқ. Лекин ҳали ҳам нўноқ лекторлар бор. Улар ўқиган лекция тингловчиларда таассурот қолдирмайди. Чунки лекция пала-партиш ўқилади.

Илмий-атеистик темаларда ёзилган оммабоп суҳбат ва лекция текстлари жонли ва мазмундор бўлиши керак. Лекин бу соҳада Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи республика жамияти ва унинг область бўлимлари намуна кўрсата олмаётир. Қуруқ ва ҳаётдан ажралиб қолган лекциялар ҳамон нашр этилмоқда. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Тошкент область бўлими нашр этган И. Эрбўтаев ва М. Даминов ўртоқларнинг «Рўза-ўтмишнинг зарарли сарқити» деган тексти бунга мисол бўла олади. Унда кутилган мақсад очилмай қолган. Келтирилган мисоллар ишонтирарли эмас. Бундай текстлар тингловчига маънавий озуқа бера олмайди.

Илмий-атеистик пропагандани жанговарлиги учун кураш идеология фронтидаги барча ходимларнинг бурчидир. Афсуски, ёзувчи ва шоирлар диний ҳурофот қолдиқларини фош этувчи асарларини кам яратмоқдалар, «Ўзбекфильм» киностудияси эса илмий-атеистик темаларда қисқа метражли фильмлар чиқармаётир. Лекцияларда фойдаланиш учун кўргазмали қуроллар етишмайди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги бу соҳада атеист лекторларга ёрдам бериши керак.

Атеистик пропагандани жанговар, таъсирчан ва ҳаётий бўлиши учун курашайлик.

М. БЎРИХЎЖАЕВ.

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

Пойтахт областидаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт, колхоз ва совхозларда коммунизм ҳурткалари кенг қанот ёзмоқда. Ҳозирги пайтда саноат корхоналарида авж олиб кетган социалистик мусобақада неча минглаб ишчилар қатнашмоқда. полиграфия корхоналари ва китоб савдоси ташкилотларида тўрт цех, 56 бригада ва 60 дан ортиқ киши коммунистик меҳнат бригадаси ва зардори номини олишга сазовор бўлди. Яна икки корхона, 16 цех, 84 бригада ва 244 киши шу шарафли номни олиш учун курашмоқда.

Аҳолига маданий-маиший хизмат анча яхшиланди. 1962 йилнинг ўзида 17 та янги кино-театр ва киноустановка ишга туширилди. Областдаги барча кино-театрларда қизиқарли темаларда лекциялар, савол-жавоб кечалари, кекса большевиклар, машҳур фан ва санъат арбоблари ҳамда ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. «Аъло кино хизмати» номини олиш учун биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 14 кино-театр ва 95 бригада курашмоқда.

Бу муваффақиятларни қўлга киритишда касаба союз ташкилотларининг хиссаси катта. Область, шаҳар ва кўпгина завод-фабрика маҳаллий комитетлари ишлаб чиқариш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдалар. Улар меҳнаткашларни давлат планларини бажаришга сафарбар этишда партия ташкилотларига катта ёрдам бермоқдалар. Олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам текшириб бормоқдалар, ишчи ва хизматчилар йиғилишларининг ролини оширмоқдалар. Улар жойларда маданий муассасаларнинг фаолиятини активлаштирмоқдалар, клуб, кутубхоналарнинг меҳнаткашларга хизмат кўрсатишини яхшиламоқдалар.

Тошкент область маданият ходимлари касаба союзи конференциясида ана шу ишлар таъкидлаб ўтилди, маданий ишни жамоатчилик асосларида ташкил этиш соҳасида тўпланган тажрибалар конкрет мисоллар асосида кўрсатиб берилди. Областда ҳозир 20 кутубхона, бир музей, бир неча клуб, халқ филармонияси, консерватория, 13 халқ театри ва 33 маданият университети жамоатчилик асосида ишламоқда. 2,5 мингдан ортиқ киши жамоатчи китоб тарқатувчи ва 1.100 киши кино ташкилотчисидир.

Область комитети ҳузурида жамоатчилик асосида тузилган 8 бўлим ва 2 комиссия иш олиб бормоқда. Олмалиқ, Оҳангарон, Янгийўл, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида жамоатчилик асосида иш олиб бораётган касаба союз шаҳар комитетлари ишига 5.000 дан ортиқ актив жамоатчилар жалб этилган.

Музокарада сўзга чиққан мастер Қосимов, санъат музейи маҳаллий комитетининг раиси Азизова, «Ватан» кино-театрининг директори Абдураҳмонова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактаби касаба союз ташкилотининг раиси Каншев ва бошқа ўртоқлар касаба союз комитети ишининг ижобий томонларини кўрсатиш билан бирга камчиликлар ҳам мавжудлигини айтиб ўтдилар. Баъзи касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақага ҳамон эътиборсизлик билан қарамоқда. Илғорлар тажрибаси етарли оммалаштирилмаётир. Корхоналарнинг маҳаллий комитетлари ишлаб чиқаришга доир масалалар билан кам шуғулланадилар. Натижада айрим нашриёт, босмахона ва давлат муассасалари ишлаб чиқариш планларини бажармаётирлар. Биргина шу йилнинг январь-февраль ойларида нашриётлар томонидан 800 босма лист кўлёзма кам топширилгани ва кўпгина китоблар босмадан сифатсиз чиқарилаётгани бунинг далилидир.

Конференция қатнашчилари маданият корхоналари, муассаса ва ташкилотларининг ходимларини КПСС XXII съезди, партия Марказий Комитети ноябрь Пленуми ҳамда ВЦСПС пленуми қарорларини бажариш учун социалистик мусобақани янада ривожлантиришга чақирдилар.

К. ЮМАЕВА.

ТАНИ СОҒЛИҚ—ТУМАН БОЙЛИК

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

Партия ва ҳукуматимиз аҳоли соғлиғини сақлаш, меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни тобора яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу ғамхўрлик КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1960 йил январь ойида қабул қилган «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва унинг соғлиғини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида яна бир марта ўз ифодасини топган. Ўзбекистон медицина ходимларининг яқинда бўлиб ўтган V съездида ана шу қарорнинг бажарилиши, даволаш-профилактика ишларини янада юқори погонага кўтариш масалалари муҳокама қилинди. Съезд бу соҳада республика медицина ходимлари олдида турган улуғвор вазифаларни белгилаб берди.

Республикада шифохона, санаторий, курорт ва дам олиш уйларининг сони тобора ортиб бормоқда. Медицина ходимлари ўз ишларини тобора яхшиламоқдалар, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштирмоқдалар. Редакцияга келаётган кўпгина хатларда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

— Балиқчи район касалхонасида беморларнинг тез орада соғайиб кетишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган, — деб ёзади **У. Абдуллаев.** — Врачлардан К. Исомиддинов, К. Носиров, Т. Камолов, Н. Розиқов ва бошқа ўртоқлар ўз ишларига жонкуярлик билан қарашади. **А. Паттоев** ўз хатида Охунбобоев номли республика медицина билим юртини 100 га яқин киши битириб, республикамизнинг турли жойларига ишга жўнаб кетишганлигини хабар қилади. **С. Турдиалиев** Сурхондарё область, Яккабоғ районида очилган икки йиллик медицина ҳамшираларни тайёрлаш курсида 45 хотин-қиз ўқиётганлигини билдиради.

Ўзининг 50 йиллик умрини, қалб кучини, билим ва қобилиятини одамларни даволаш ишига бағишлаган кекса врач А. П. Спиридонов тўғрисида мухбир **Р. Ҳасанов** ёзади.

Қозон университетининг медицина факультетини тугатган бу шифокор Тошкент область, Бўка районининг Пискент қишлоғида ишлайди. Ўзининг бутун умрини медицинага бағишлаган Арсений Петровичнинг жуда қўплаб шогирдлари бор. Медицина фанлари кандидати, доцент Р. Алавий, врач Аъзамов ва бошқалар унинг тарбиясини олган.

Бемор тезроқ соғайиб кетиши учун дори-дармон билан бир қаторда ширин сўз, яхши муомала ҳам катта аҳамиятга эга. Мана шунинг учун ҳам хушсуҳан, киши қалбини, руҳини билувчи медицина ходимлари тўғрисида кўплаб юрак сўзлари айтилмоқда.

— Э. Маҳмудова кишиларнинг саломатлиги учун жон куйдириб ишлайди, тиниб-тинчимайди, — деб ёзади мухбир **Т. Рўзиматов.** — Калинин районидаги Қибрай шифохонасининг бош врачи тўғрисида. Олтиариқ район Энгельс номли мактаб ўқитувчиси **Т. Насриддинов** Чимён қишлоқ касалхонасининг хирурги Т. Султонов ҳақида ҳам шундай самимий сўзлар ёзади. «Ўлим тўшагида ётганингда сени қутқариб, яна меҳнатга қайтарган кишига ўз миннатдорчилигингни ифодалашга сўз тополмайсан, киши!» деб ёзади газетхон **Н. Бекулов** Тошкент медицина институти ҳузуридаги хирургия клиникаси ходимлари В. Воҳидов, В. Инакин ва бошқа ўртоқларга ўз миннатдорчилигини билдирар экан. Газетхонлардан **З. Холтўраев, С. Тўлаев, А. Йўлдошев, А. Мирсаидов, Р. Айтмуродов, И. Мадгазинлар** ҳам шу мазмунда, янги медицина муассасалари очилганлиги ҳақида хат юборган. **О. Тургонов** Тошкент область Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози правлениеси юлхозчилар соғлигини сақлаш тўғрисида намунали ғамхўрлик қилаётганини билдиради.

Аммо ўз ишига юзаки қарайдиган, шифокор деган юксак номни оқламайдиган медицина ходимлари ҳам йўқ эмас. Газетхонлар ўз хатларида ана шундай кишиларни қаттиқ танқид қиляпти. Газетхон **С. Раҳмонқулов** Янгийўл районидаги Калинин номли колхозининг фельдшери Н. Нишонбоевни вақтида топиб бўлмаслигини, дориларни сотиб юбораётганини айтади. Сурхондарё область Шеробод ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Бойсун совхози касалхонасининг бош врачи Юсуф Исмоилхўжаев ҳам ўз ишига совуққонлик билан қарайди. У беморларни қабул қилишда масъулият сезмайди, касалхонанинг «Тез ёрдам» машинасидан кўпинча шахсий ишлари учун фойдаланади. Бу тўғрида мухбир **А. Шойимқулов** хабар қилади. Пойариқ райони, даги 39-мактаб ўқитувчиси **Г. Баратовнинг** билдиришича қараганда бу ердаги касалхонада даволаш иши ёмон аҳволда. Касалхонанинг бош врачи Қ. Эшонқулов аҳолига медицина хизматини яхшилаш ўрнига юлғичлик билан шуғулланяпти. Шофер Қурбековнинг хотини номига касалхона завхозлигини ёзиб, санитар Э. Қаршиевнинг хотини номига қоровуллик штатини ёзиб маошни иккала ураётир. Сурхондарё область, Денов ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозидаги Пор, Чош, Пастиколон, Пуштиариқ ва бошқа қишлоқларнинг яқин-атрофида бирорта медицина пункти йўқ. Бу ҳақда мухбир **Г. Ниёзов** хабар қилади. Тошкент шаҳар Ленин районидаги радиолампа заводида ҳам ишчи-хизматчиларга медицина ёрдами кўрсатишга аҳамият берилмаётир. Заводда касалхона ҳам, поликлиника ҳам йўқ. Медицина-санитария бўлими ишчилари медицина хизмати кўрсатишга улгурмаётир.

Тани соғлиқ—туман бойлик, дейди халқимиз. Медицина ходимларига кишилар саломатлигини сақлашдек юксак вазифа топширилган экан, улар бу вазифани тўла бажариш учун бутун куч ва билимларини сарф этишлари керак.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Киров ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларида кўчат ўтқазиш мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилаётир. СУРАТДА: «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг кекса ишчилари ва пенсионерлари йўл четига манзарали дарахт кўчати ўтқазмоқдалар.

И. Мархаев фотоси.

ТУРСУНОЙЧИЛАР

УРГАНЧ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Хева ва Янгибозордаги механик-ҳайдовчилар 6 ойлик курсида 46 турсунойчи хотин-қиз механик-ҳайдовчилик касбини эгаллаш учун қунт билан ўқимоқда.

Бу қизлар механизаторлик касбини эгаллаб, областдаги моҳир механик-ҳайдовчи қизлар сафини янада кўпайтиради.

ЛЕКТОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

4 апрелда Тошкентда илмий атеизм пропагандаси масалаларига бағишланган республика семинари бошланди. Семинарда Ўзбекистоннинг ҳамма областларидан ва Қорақалпоғистон АССРдан келган уч юзга яқин атеист лектор қатнашмоқда. Семинарни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг идеология бўлимлари ҳамда сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият уюштирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети саноат бўйича идеология бўлимининг мудири Ш. З. Саломова семинарнинг вазифалари ҳақида гапирди. Сўнгра сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи республика жамияти правлениеси раисининг ўринбосари доцент А. О. Ортиқов республикада илмий-атеистик пропагандани аҳволи ва КПСС XXII съездининг қарорлари муносабати билан уни яхшилаш тадбирлари ҳақида доклад қилди.

Биринчи куни семинар қатнашчилари, шунингдек «Дин тўғрисида совет қонунлари», «Космосни ўзлаштиришнинг атеистик аҳамияти», «Динга қарши курашда медицинанинг роли» деган темаларда докладлар тингладилар. Семинар уч кун давом этади. (ЎзТАГ).

ХЎЖАЛИКЛАРАРО ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТИ

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик ишларини енгиллаштиришда колхоз ва совхозларнинг транспортини ва маблағини бирлаштирган ҳолда хўжалик ҳисобида ишловчи транспорт ташкилоти тузишга маслаҳат берган эди. Шундан кейин Кўқанд, Украинанинг бир қанча районларида колхоз ва совхозлараро транспорт базалари ташкил этилди.

Калинин район колхоз ва совхозлари Келес темир йўл станцияси қошида ана шундай база ташкил этди. Бир йилнинг ўзида-ёқ хўжаликлараро транспорт базасининг афзалликлари намоён бўлди.

Илгари колхоз ва совхозлар учун келтирилган қишлоқ хўжалик юклари темир йўл вагонларидан ўз вақтида туширилиб олинмай станцияда турибқолар, бунинг натижасида заказчи хўжаликлар анча штраф тўларди. Бундан ташқари, станциядан олисдаги колхозлар юкларни тезроқ тушириб олиш учун четдан ишчи кучи ёллашга мажбур бўларди. Бу нарса хўжаликнинг молиявий ишларига салбий таъсир кўрсатарди. Шунингдек, станцияда очиқ майдонга тўкиб қўйилган минерал ўғитлар бир неча кунгача ташиб олинмай, қишман нобуд бўлиб кетарди.

Эндиликда ҳамма нарса саранжом-саришта. Район колхоз ва совхозлари ташкил этган хўжаликлараро транспорт базаси ихтиёрига ишчи кучлари, автомашина, трактор ва юклагич-туширгич механизмлар ажратиб берди. Темир йўлчилар ёрдами билан Келес станцияси ёнида алоҳида темир йўл шохобчаси қурилди. База учун маълум территория ажратиб берилди. Натижада станцияга келтирилган қишлоқ хўжалик юклари вагонлардан дарҳол тушириб олиниб, колхоз ва совхозларга жўнатилмоқда. Бу ерда юкларни тушириш ва ортиш, омбор ва айвонларга элтиб тўкиш ишлари механизациялаштирилган. Натижада юкларни тушириш ва ташиш анча арзонга тушмоқда.

Хўжаликлараро транспорт базаси ўтган йили колхоз ва совхозларга 26 минг тонна юк ташиб берди. Шу йилнинг биргина январь ойида 1700 тоннадан кўпроқ минерал ўғит вагонлардан туширилиб олиниб, жойларга етказилди.

Республикамизда бундай ташкилотни кўпайтириш керак.

Т. ТУРҒУНОВ,
Келес станциясининг бошлиғи.
У. ДАМИНОВ,
Калинин район 7-мактаб ўқитувчиси.

ЕР «ЛУНА-4» НИ КУЗАТИБ ТУРИБДИ

УЗОҚ КОСМИК АЛОҚАЛАР МАХСУС МАРКАЗИДАН РЕПОРТАЖ

□ □

Кечаси осмонни тим қоронғилик қамраб олди. Фақат онда-сонда қолган юлдузларнинг нури пастда сузиб юрган қопқора булутлар орасидан аҳён-аҳёнда милтиллаб кўриниб қолади. Яна бутун дунёнинг эътибор марказида бўлиб қолган Ой ҳам осмонда кўринмайди. Ер йўлдошига томон «Луна-4» автоматик станцияси учиб бормоқда...

Биз узоқ космик алоқаларнинг махсус марказига келдик. Бу марказ замонавий техника билан қуролланган бўлиб, уни совет фани учирган «Луна-4»нинг парвозини бошқариш юзасидан бутун мураккаб комплексининг бош мияси деб аташ мумкин. Қаттиқ шамол эсиб турибди. Ҳатто 100-150 метр наридаги нарсалар ҳам кўзга кўринмайди. Кеча шу қадар қоронғи эди. Тусатдан қоронғиликда парабола шаклидаги гигант антеннанинг жуда катта доираси кўз олдимизда пайдо бўлади. Бу жуда аниқ ишлайдиган техника иншоотидир. Антенна эътибор билан, қатъий ишлаб чиқилган программага асосан космик станция парвозига қулоқ солиб турибди ва «Луна-4» дан келаётган сигналларни қабул қилибгина қолмасдан, балки Ердан бериладиган ҳамма командаларни юбориб турибди.

Яна бир неча минут юриб, биз марказ биносига, унинг командасини бериладиган залига етиб бордик. Деворлар олдида қабул қилиш-кучайтириш аппаратлари, параметрларни ўлчовчи, парвозни бошқарувчи аппаратлар, команда пункти жойлашган. Кибернетика, электроника шундай фанлар бўлиб қолдики, уларсиз Коинотга бу галги янги штурм сингари космик экспериментларни ўтказиш мумкин эмас.

«Луна-4» нинг парвозига боғлиқ ишларнинг бутун комплексига бу ерда давлат комиссияси раҳбарлик қилмоқда. Давлат комиссияси составига бош конструктор, космонавтлар назариячиси, олимлар, инженерлар киради.

— Бу залнинг хизмати нимада, — деб сўрадим кўзга кўринган олимлардан биридан.

— Сизга бироздан кейин жавоб бераман.

Олим қўлига кичкинагина микрофон олиб, бошқа биноларда ёки ердан кўринмайдиган ўз ходимларига оҳистагина овоз билан мурожаат қилди.

— «Биринчи» гапиряпти. Сеанс бошланишига беш минут қолди.

Шчитларда турли рангдаги чироқлар ёнади, ҳар хил приборларнинг циферблатларида стрелкалар қимирлаб турибди. Хонада жимжитлик чўкади. Жуда катта билим, тажриба, баъзан эса тез ва аниқ ҳал этишни талаб қиладиган масъулиятли иш яқинлашиб қолди.

— 30 секунд қолди, — дейди «Биринчи» соатига қараб.

Шу пайтда ҳамма ходимлар — операторлар биринчи командани кутиб, ўз ақлли ёрдамчилари олдида бутун эътиборларини тўплаб турар эдилар.

— 16-тайёрми?

— Тайёр.

— 20-тайёрми?

— 33-тайёрми?

— Тайёр.

30 секунд ўтиб кетди. Қатъий команда берилди ва инсон иродасига бўйсинувчи ҳамма зарур приборлар ва аппаратлар олдиндан тузилган планга биноан ўз ишини бошлаб юборди.

Зални кичкинагина орган овозини эслатувчи ёқимли овоз босиб кетди. «Луна-4» дан позивнойлар қабул қилинган эди. Алоқа ўрнатилди. Учиб кетаётган космик станция билан навбатдаги радио сеанси ана шундай бошланди. Ўзини «Биринчи» деб атаган олим микрофонни қўлидан қўймасдан қисқа-қисқа кўрсатмалар бериб, бир техника объектидан иккинчи объект ёнига бориб турар эди.

Менинг ёнимда телетайпга ўхшаб кетадиган аппарат турибди. Ёзиб олувчи мослама орасидан чиқиб турган лентада фақат оператор тушунадиган хилма-хил белгилар пайдо бўлмоқда. Бу лента «Луна-4» нинг парвози ва ундаги аппаратларнинг иши тўғрисидаги ҳамма маълумотларни жамлаб ёзиб олмоқда. Мутахассиснинг қиёфасига қараганда, ҳамма иш нормал кетяпти: «Луна-4» дан кутилган маълумотлар олинмоқда. Ҳар ҳолда менга шундай бўлиб туюлмоқда.

Рўпарада электрон-нур найчасининг яшил лампаси порлаб турибди. Унинг марказида телеметрик информация характерини ва ишончли алоқа борлигини кўрсатувчи вертикал чизиқлар пайдо бўлиб турибди. Бу маълумотлар ҳам бир оз вақт ўтгач биз юқорида айтган лентага ёзиб олинади.

Станциянинг парвозини контроль қилиш сеанси ҳаммаси бўлиб ўн минут давом этди. Бу боскичда бундан ортиқ вақтнинг ҳам кераги йўқ. Приборлар ва аппаратларнинг ишлаши тўхтатилди. Кишиларнинг кўли бўшади.

— Энди мен сизнинг саволларингизга жавоб беришга тайёрман, — деди олим менга. — Биз гаплашиб бўлгунимизча ўн минутлик сеанс якунлари чиқарилади ва биз «Луна-4» ўзини қандай ҳис қилаётганлигини аниқ биламиз.

— Иложи бўлса, ўтказилган сеансдан қандай мақсад кўзда тутилганини айтиб берсангиз?

— Бугун бизнинг битта асосий вазифамиз бор эди — ҳаракат параметрларини текшириш керак эди. Соддароқ қилиб айтганда, «Луна-4» Ердан қанча масофада эканлигини ва унинг ҳаракат тезлигини аниқлаш керак эди.

— Қандай натижалар олинди?

— Натижалар мўлжалдагига яқин. Ерга нисбатан тезликка келганда секундига 3 километрга тенгдир.

— Нима учун тезлик бу қадар кам? Станция Ер сунъий йўлдошининг орбитасидан старт қилганида Ерга нисбатан тезлиги секундига 11 километрдан ортиқ бўлганлиги маълум-ку?

— Бунинг сабаби Ер тортиш кучининг таъсиридир. Секундига 2-3 километр тезлик Ердан шу қадар узоқ масофада «Луна-4» парвозининг илмий аҳамиятлари тўла мос келади.

Шу пайт олимга техника хизматидан ишлаб чиқилган маълумотларни олиб келишди. Илмий аппаратлар жойлаштирилган контейнердаги температура нормал. Босим мўлжалдагига тўғри келади. Бортдаги батареялар ва бошқа кўрсаткичлар ҳам олдиндан белгиланган мўлжалга мос келади...

... Ҳамма эрталабга яқин тарқалди. Улар бир неча соат ухлаб олишгандан кейин, бу ерга қайтиб келиб аппаратлар ёнида ўз ўринларини эгаллайдилар. Янги алоқа сеансига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш керак.

Навбатдаги сеанс нимани кўрсатар экан? «Луна-4» белгиланган мўлжалга қанчалик аниқ учиб бормоқда, ундаги аппаратлар қандай ишламоқда, у ўз олдига қўйилган илмий вазифалар ҳажмини тўла бажара олядими? Бу саволлар узоқ техника алоқаси марказидаги кишиларнигина эмас, балки планеталараро станцияни тайёрлаш ва учиришда қатнашган минграрча кишиларни: олимлар, конструкторлар, ишчилар, илм-фаннинг турли тармоқларидаги, турли ҳунардаги кишиларни, барча совет кишиларини ва умуман бутун инсониятни тўлқинлантирмоқда.

Совет кишилари космик фазони ўрганишдаги ўз муваффақиятлари билан фахрланадилар, улар бундан 5 йил илгари Ер атрофига сунъий йўлдошни учириб, космосга инсон учун бошқаларга қараганда илгарироқ йўл очиб берганлиги билан, шундан кейин «Восток» космик кемаларини учиришларини ва Ойни планли тарзда ўрганаётганлиги билан фахрланадилар.

Совет вилмпели аллақачон Ойга етказилганлигини, Советлар мамлакати Ойнинг орқа томонини биринчи бўлиб суратга олганлигини ҳаҳон ҳеч қачон унутмайди. Ой томонга янги парвоз — Ер атрофидаги фазони тадқиқ қилиш программасининг давомидир. Бу программанинг асл мақсади Ойни инсоннинг Қуёш системамиздаги планеталарга парвоз қилиши учун зарур бўлган гигант старт майдончасига айлантиришдан иборат. Космик ишнинг олимлари ва ташаббускорлари, жасур ва катта фикр эгалари, билимга, аниқ илмий ҳисоботларга таяниб иш кўрувчи, Совет давлатининг кудратли ишлаб чиқарувчи кучларига таяниб иш кўрувчи кишилар менга ана шу гапларни айтиб беришди.

Кечқурун космик алоқа биносининг махсус марказида навбатдаги сеанс бошланди. Хонада «Луна-4» нинг позивнойларидан иборат ёқимли овозлар яна эшитила бошлади.

А. РОМАНОВ,
(ТАСС махсус мухбири).

Крим, 3 апрель.

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЁМИ

91-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1963 йил 30 мартда Ереван шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма ўн олти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
000143	1—50	40
002460	1—50	40
004239	1—50	40
004425	03*)	500
004635	07*)	500
005353	1—50	100
008641	15*)	500
009749	1—50	100
009782	07*)	500
010852	32*)	500
011092	26*)	500
012717	38*)	2.500
013466	13*)	500
013775	21*)	1.000
014358	1—50	100
014360	41*)	500
014623	38*)	500
014888	1—50	40
014977	47*)	500
015713	22*)	500
016383	04*)	500
016893	13*)	1.000
017450	1—50	100
017853	1—50	40
018367	1—50	40
018603	43*)	1.000
020261	1—50	40
020318	1—50	100
021412	1—50	40
022225	18*)	1.000
022876	08*)	1.000
022906	08*)	500
023862	1—50	100
024467	32*)	500
024635	38*)	1.000
024667	02*)	500
025088	15*)	500
025606	43*)	500
025857	41*)	1.000
026075	1—50	100
026616	1—50	40
027101	1—50	40
027782	18*)	1.000
028387	1—50	40
028961	1—50	40
029477	10*)	500
030322	26*)	500
030535	37*)	2.500
030598	1—50	40
032025	24*)	500
032099	14*)	500
032162	50*)	500
032926	42*)	500
033464	50*)	1.000
033699	34*)	500
033948	24*)	500
033952	46*)	500
035021	14*)	500
035132	1—50	100
037002	03*)	2.500
037389	08*)	500
037520	18*)	1.000
037536	36*)	500
037747	47*)	500
039298	1—50	40
039959	11*)	500
040843	1—50	40
041154	1—50	40
041303	1—50	40
041626	40*)	500
041862	1—50	100
042004	21*)	500
042342	02*)	500
043050	06*)	500
043075	1—50	40
043702	05*)	500
043880	20*)	500
044084	1—50	40
044289	1—50	100
044487	01*)	500
044600	1—50	40
044911	27*)	500
046389	35*)	500
047011	11*)	1.000
047245	41*)	500
047359	1—50	100
048228	29*)	1.000
048509	14*)	1.000
049204	08*)	2.500
049728	48*)	500
050366	07*)	1.000
050898	1—50	40
051525	01*)	500
051718	1—50	40
052205	07*)	500
052315	31*)	500
052690	13*)	1.000
053188	47*)	500
053451	41*)	500
053660	1—50	40
053702	33*)	500
053703	46*)	1.000
055071	1—50	40
056608	1—50	40
056720	50*)	500
057112	07*)	5.000
057156	1—50	40
057266	11*)	500
057664	1—50	40
058315	1—50	40
058770	1—50	40
059532	19*)	500
059687	37*)	5.000
059739	13*)	500
060046	19*)	500
060438	14*)	1.000
061263	1—50	40
061486	50*)	500
062882	41*)	500
063669	20*)	1.000
065561	1—50	40
066997	42*)	500
068833	07*)	500
069319	45*)	500
071589	02*)	500
072347	26*)	500
073381	1—50	40
074412	45*)	2.500
074629	36*)	500
074836	02*)	1.000
075575	1—50	40
076363	1—50	40
076858	44*)	500
077146	27*)	500
077170	1—50	40
077364	34*)	500
077847	43*)	500
078300	19*)	1.000
078857	1—50	40
079249	1—50	40
079390	33*)	500
079447	21*)	500
079463	47*)	500
082204	44*)	500
083064	1—50	40
083117	01*)	500
083980	03*)	500
085350	49*)	500
085707	1—50	100
085742	1—50	40
085825	11*)	500
086100	12*)	500
087038	10*)	500
087506	1—50	100
087702	43*)	500
088596	04*)	1.000
089180	1—50	40
089363	26*)	1.000
089523	1—50	100
090437	1—50	40
091320	1—50	40
091916	06*)	500
092037	06*)	500
093366	50*)	1.000
093894	1—50	40
096094	10*)	1.000
096290	1—50	40
097427	34*)	500
098695	39*)	1.000
099394	44*)	500

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Омонат кассалари ютуқларини газетанинг янаги сони келгандан кейин шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Ереван шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Г. О. АСРАТЯН.
Комиссиянинг масъул секретари Л. А. ВАСИЛЬЕВА.

ЯШНА, РЕСПУБЛИКАМ

Ўзбек чаманзоридан санъат гулдастасини кўтариб улуғ Москванинг Кремль театрида ажойиб концертлар бериб қайтган талантли санъаткорларни олқишламасдан бўладими?! Булар, Тошкент область, Калинин районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида ташкил топиб, воғага етиб халқ ашула ва рақс ансамбли номини олишга муяссар бўлган. Булар тракторчи, сувчи, ёш пахтакор ва ниҳоят қишлоқ интеллигентларидир.

Яқинда ансамбль Москвадан катта муваффақият билан қайтди. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг муҳташам маданият саройида меҳмонлар ва колхознинг бир ярим мингдан ортиқ меҳнаткашлари йиғилдилар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким Ниёзов йиғилганларга Москва меҳнаткашларининг илиқ саломини етказди.

Ансамблнинг бир группа қатнашчиларига СССР Маданият министрлигининг Фахрий ёрлиғи ва «Аъло хизматлари учун» значоги топширилганини айтди.

Ҳисобот концерти бошланди. Саҳнада мизика садолари янгради. Колхоз оқшомида, Ильич чироғлари равшан ёниб турган катта саҳнада миллий кийимлар кийган йигит-қизлар пайдо бўладилар. «Баҳор байрами», «Ҳосил байрами», «Дўстлигимиз тантанаси» вокал рақс сюиталари ижро этилади.

«Яшна, республикам!» деб ном олган бу бир-бирига уланиб кетган сермазмун концерт номерлари яхши бир саҳна асари сингари таассурот қолдирди.

Ансамблнинг репертуари янги концерт номерлари билан бойиб бормоқда. Бу ҳисобот кечаси эса шунинг ёркин гувоҳи бўлди. Яқинда ансамбль жонажон республикамиз бўйлаб колхозларга, совхозларга ва уларбаги бадиий ҳаваскорларга ёрдам бергани гастролга чиқади.

Ю. ҲАМДАМ.

СУРАТДА: ансамблнинг ҳисобот концертида «Пилла» ва «Уйғурча» рақслари ижро этилмоқда.

Оламда нима гап

ПРАГАДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПРАГА, 4 апрель. (ТАСС). Кеча Прагада Чехословакия антифашист курашчилар союзининг матбуот конференцияси бўлди. Чехословакия ва чет эл журналистлари Чехословакия территориясида нацист жиноятчилар Роберт Гис, Рейнгард Рихард, Позорна, Лина Гейдрих, Вольсганг Вольфрам фон Вольмар ва бошқалар қилган жиноятларни фош қилувчи янги ҳужжатлар билан таништирилдилар, деб хабар беради ЧТК агентлиги.

Матбуот конференциясида фош қилувчи ҳужжатларни тақдим этган машҳур чехословак тарихчиси Ч. Амортнинг хабар беришича, бу жиноятчиларнинг ҳаммаси ҳозиргача озодликда юрибдилар ҳамда Германия Федератив Республикасининг давлат ва суд аппаратларидаги постларни эгаллаб турибдилар.

Антифашист курашчилар союзининг раиси И. Гушек айтдики, союз тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб, Германия Федератив Республикасининг органлари олдида мазкур шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида такліф киритди.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ БОЛГАР ТИЛИДА

СОФИЯ, (ТАСС). БОЛГАРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАШРИЁТИ «ЛЕНИН—ЖУРНАЛИСТ ВА РЕДАКТОР» НОМЛИ ТУПЛАМНИ БОЛГАР ТИЛИДА БОСИБ ЧИҚАРДИ. КИТОБДА РЕДАКТОРЛИК ВА ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТ ҲАҚИДА В. И. ЛЕНИННИНГ МАҚОЛАЛАРИ, ХАТЛАРИ ВА БАЁН ЭТГАН ФИКРЛАРИ БОР.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ 38-ТОМИ ҲАМ БОЛГАР ТИЛИДА БОСИЛИБ ЧИҚДИ. БУ КИТОБ В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИНИНГ РУС ТИЛИДАГИ ТУРТИНЧИ НАШРИНИНГ ТЕГИШЛИ ТОМИДАН ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН.

Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ ИНДОНЕЗИЯДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ЖАКАРТА, 4 апрель. (ТАСС). Президент Сукарнонинг таклифига биноан Индонезияда меҳмон бўлиб турган СССР Мудофаа министри, Маршал Р. Я. Малиновский бугун Жакартадан жўнаб кетди.

Музокаралар тўғрисида Жазоир—Сурия ахбороти

ДАМАШҚ, 4 апрель. (ТАСС). Дамашқ радиоси Жазоир мудофаа министри Ҳуари Бумедиен бошчилигидаги Жазоир делегациясининг Сурия ҳукумати билан олиб борган музокаралари тўғрисида қўшма ахборот эълон қилди. Ахборотда жумладан, музокаралар жараёнида Жазоир томони Жазоирдаги аҳвол тўғрисида ҳамда Жазоир делегациясининг Қоҳирада ва Бағдоддаги учрашувларининг якунлари тўғрисида Сурия ҳукуматига ахборот берди. Ҳар иккала томон араб бирлигини таъминлаш учун Ироқ, Бирлашган Араб Республикаси ва Сурия сарфлаётган куч-ғайратнинг аҳамиятини таъкидлади.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ Бухарестда Руминия билан АҚШ ўртасида маданият, илм ва фан соҳасида алоқа боғлаш юзасидан 1963-1964 йилларга мўлжалланган битим имзоланди.

⊙ АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Стивенсон Боннга келди. Стивенсон Европа бўйлаб сафар қилиб юрибди. У Германия Федератив Республикасининг президенти Любке, вице-канцлер Эрхард ва ташқи ишлар министри Шредер билан учрашади.

⊙ Саяма шаҳри районида (Сайтама префектураси) Япония ҳарбий ҳаво кучларининг реактив қирувчи самолёти парвоз қилган пайтда ёниб кетди ва турар уй устига қулаб тушди. Портлаш натижасида ёнғин чиқди, икки уй куйиб кетди, бир киши оғир яралар бўлди. Учувчи омон қолди.

⊙ Жазоир миллий мудофаа министри полковник Ҳуари Бумедиен бошчилигидаги Жазоир делегацияси Қоҳирадан Дамашққа келди.

⊙ Донкастердаги (Англия) Форд автомобиль заводи ишчиларидан 800 га яқин киши июнь ойининг охирларида ишдан бўшатилади. «Форд моторкомпани» компанияси 1964 йил июль ойининг ўрталарига келиб, Донкастер заводида автомобиль қисмларини йиғиш ишларини тамомила тўхтатади. Ҳозирги вақтда бу заводда 2.100 киши ишламоқда.

(ТАСС).

КОРЕЯ Халқ-Демократик республикасининг шахтёрлари кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. СУРАТДА: Бончун шахтасининг кончилари смена тугатгач.

ЦТАК — ТАСС фотоси.

КЕННЕДИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 4 апрель. ТАСС мухбири М. Сагателян хабар беради:

Қўшма Штатлар космосни тадқиқ қилишда Совет Иттифоқига қачон етиб олишини айтиб бера олмайсизми, деган саволга жавобан кечаги матбуот конференциясида президент Ж. Кеннеди «Билмайман», — деб жавоб берди. Сўнгра президент навбатдаги совет космик станциясининг Ой томонга учирилганлиги сабабли берилган ана шу саволга жавоб қайтариб, Қўшма Штатлар космосни ўзлаштиришда Совет Иттифоқидан кейин иккинчи ўринда турибди, деди.

«Шу нарса мутлақо равшанки, — деб сўзини давом эттирди Кеннеди,— Совет Иттифоқи катта тезлаштиргичи ракеталар жиҳатидан зўр афзалликка эгадир». Қўшма Штатларда, деб қўшиб қўйди у, 1964—1965 йилгача ёки 1966 йилгача бу хилдаги тезлаштиргичи ракеталар бўлмайди. Президент «Биз ҳозир орқада қолаяпмиз, биз ҳали орқада қолаверамиз», — деб эътироф этгач, шунга қарамай, агар Қўшма Штатлар бу йўлда ҳал қилувчи куч-ғайратлар сарфласа, мана шу ўн йилликнинг охирига бориб космосни ўзлаштириш соҳасида Совет Иттифоқидан ўзиб кетиш имкониятларига эга бўлиши мумкин, деб умид билдирди.

Кубалик контрреволюционерлар шайкаларининг яқинда Куба соҳилига ва совет савдо кемаларига қароқчиларча қилган ҳужумлари тўғрисидаги саволга жавобан, президент ҳақиқатда эътироф этиб айтдики, бундай ҳужумлар Қўшма Штатлар территориясидан ҳам қилинган бўлиши мумкин. «Флорида яқинида соҳил линияси узундир, — деди у,— бинобарин баъзи бир кишилар Флоридадан чиқиб, бирон объектга зарба етказиб, қайтиб келиш имкониятига эгадирлар».

Бироқ Кеннеди бу ҳужумлар АҚШ ҳукуматининг раъйи билан қилинган эмас ва АҚШ ҳукумати бундай ҳужумлар қилишга рағбатлантирган эмас, деб даъво қилди. Президентнинг сўзига қараганда, АҚШ ҳукумати бундай ҳужумларни «самарасиз» деб ҳисоблайди, чунки Кастро ҳукуматига бирон тарзда «реал зарба» етказа олмайдиган бу ҳужумлар кескинликнинг кучайиб кетишига ва «эҳтимол, Америка кемаларига қарши жавоб ҳаракатлари» қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Кеннеди Кубадаги революцион тузумни агдариб ташлашга ҳаракат қилиб, бошқа йўлдан борган — АҚШ армияси сафига кирган ва, Кеннединг иборaси билан айтганда, «умумий ишга хизмат қила олади-ган» кубалик контрреволюционерларнинг тутган ишини мақтади.

Президент кубалик «қочоқ»-дардан бир неча юзтаси Америка армиясида ҳарбий тайёргарлик курсидан ўтаётганлигини айтгач, АҚШ ҳукумати «умумий ишга хизмат қилиш»-да уларга ёрдам бериш истагида эканлигини таъкидлади.

Президентнинг Вашингтон келажакда революцион Кубага қарши қандай йўл билан курашиш ниятида эканлигини очиқдан-очиқ сездириб турувчи бу гапларини мухбирлар зўр эътибор билан кутиб олдилар.

Кеннеди федерал бюджетнинг харажатлар қисмини камайтириш тўғрисидаги таклифларга тўхталиб, ҳаражат қисмини анча камайтиришга йўл қўйиб бўлмайди, «бунда ҳарбий бюджетнинг юраги тортиб олинган» бўлади, деди... «Ҳозирги ҳукумат, — деб таъкидлади президент,—ҳокимият тепасига келган пайтидан буён ўз эътиборини қуролли кучларни мустаҳкамлашга қаратди».

Матбуот конференцияси давомида Кеннеди июнь ойининг иккинчи ярмида Европага қиладиган сафари вақтида Лондон ёки Парижда тўхтаб ўтмоқчи эмаслигини, балки Рим, Бонн ва Ғарбий Берлинга боражагини маълум қилди.

«АҚШ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИГА ХАВФ ТУҒИЛМОҚДА»

НЬЮ-ИОРК, 4 апрель. (ТАСС). АҚШ меҳнат министри У. Уиртц кеча матбуот вакилларига айтдики, ишсизлик натижасида ўтган йили Қўшма Штатларда тўққиз юз миллион иш соати йўқотилди. У. Уиртц ишсизликни «мамлакатнинг иқтисодий истиқболига чинакам хавф» деб атади.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.30 — **Будь готов!** телевизион журнали. 18.15 — **Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон командаларининг гимнастика бўйича мусобақалари** (Фрунзе шаҳридан). 19.10 — **Ҳаммаси велосипеддан бошланди** (болалар учун кинофильм).

Ўзбек тилида: 19.20 — **Телевизион янгиликлар**, 19.35 — **Киножурнал**, 19.45 — **Концерт** («Баҳор» халқ рақс ансамбли ижросида).

Рус тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар**, 21.00 — **Марказий телевидение студияси эшиттириши**, 21.50 — Композитор **А. Долуханян**, 22.20 — **«Фитиль»** сатирик киножурналининг 7-сони.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.15 — Совет портрет устаси **А. В. Нестеров** (мактаб ўқувчилари учун). 18.40 — **Ун иккинчи йил** (Марказий телевидение студияси постановкаси). 19.45 — **Ёшлар шанбаси** (Округ офицерлар уйидан).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IV да **Флория Тоска**, 7/IV да кундуз **Дон Кихот**, кечқурун **Гулсара**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IV да **Олов**, 7/IV да кундуз **Шубҳа**, кечқурун **Алишер Навоий**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 6, 7/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлигида ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги аттракцион. **Анатолий Сокол** ўз ёрдамчиси — электрон-механик киши **«робот»** билан. 6/IV да томошалар кундуз соат 4 ва кеч 7 яримда, 7/IV да — кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Каролина Риекская — «ВАТАН» (кеч соат 5, 6-40 ва 8-20 минутда), «ИСКРА» (кеч 5 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (эрталаб 11, кундуз 3, кеч 5 ва 9 да), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Асл билан юриш — НАВОИЙ номли, «ВАТАН», «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Гаспароне — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қуёш, ёмғир ва табассум — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 2, 3-10 ва 4-20 минутда).

Жунгли ўт ичида — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда). «МИР» (кундуз 12, 4 ва кеч 8 да).

КОРХОНА, МУАССАСА ВА КОЛХОЗЛАР ҲАМДА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КЎРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ

Тошкентдаги

1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

КИЙИМ ИЛАДИГАН ВЕШАЛКАЛАР, ДЕРАЗА ВА ЭШИК ТУТҚИЧЛАРИ,

дераза сумбалари (никелли), 100 миллиметрли ошиқ-мошиқлар, 50 ва 60 миллиметрли форточка ошиқ-мошиқлари,

шунингдек турли катта-кичиклигда

МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦАЛАР

СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бобожонов кўчаси, 23-уй, телефон 4-21-62, 4-02-31 (2-троллейбус, 11-автобуснинг «15-мактаб» остановкаси).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИДА

6, 7 апрелда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ҳамза Умаров асари

Ишқинг билан

3 парда, 5 кўринишли музикали комедия

Ҳамид Раҳимов музикаси.

Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилган.

Пахта тозалаш саноати Бош бошқармаси, ЦНИИХПром, Тошкент «Заготхлопкоалубытресги» ва Тошкент пахта тозалаш заводи раҳбарликлари, партия ва касаба союз ташкилотлари Тошкент пахта заводининг директори, КПСС аъзоси

Рашад Султонович АБДУРАҲИМОВнинг

вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар. Марҳумнинг жасади 6 апрель кундуз соат 3 да олиб чиқилади (К. Маркс кўчаси, 1-тупик, 6-уйдан).

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институти коллективи институтнинг старший илмий ходими А. Ҳ. Ҳамидхўжаевга отаси

ҲАМИД МАҲМУДОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05867. Индекс 64543. Нашр. № 82.